

Кўкон хонлигининг сиёсий, иктисодий ва маданий марказларидан хисобланган Тошкент шахри хозирги Козогистон ва Киргизистон ерларида рус кўшинларига карши олиб борилган жангларда мухим ўрин тутган. Натижада Тошкент ўзининг кўплаб ватанпарвар фарзандларидан айрилди, катта моддий талафот кўрди. Эндиликда Рус давлати тўгридан-тўгри Тошкентни хам босиб олишга киришди.

Бу вактда Тошкент шахри 25 чакирим узунликдаги калин мудофаа деворлари билан ўралиб, деворининг баландлиги 5-7 метр, остининг эни эса 2-3 метрга етган. Тепасининг кенглиги 2 метрдан кам бўлмай, ички тарафдан очик, сиртидан оралатиб пахсадан ишланган мудофаа минорачалари курилган. Сарбозлар мазкур минорачалар оркасидан душманга ук узардилар. Шахар Кўкон, Кашкар, Лабзак, Тахта-пул, Корасарой, Сагбон, Чигатой, Кўкча, Самарканд, Камолон, Бешогоч ва Каймас сингари 12 асосий дарвозага эга бўлган. Бундан ташкари, Тешик-копка, Янги Махма, Сарбоз (Урдада) каби кичик дарвозалари хам бор эди. Девор устида навбати билан доимо сокчилар алмашиб туриб душман шарпаси кўриниши биланок «ёв келди», деб бакирик-чакирик остида шахар ахолиси мудофаага чакирилган. Шахар деворининг атрофи сув тўлдирилган чукур зовур билан ўралган. Душман деворга якинлашиши учун зовурларни кечиб ўтиши керак эди. Аммо бу осон иш бўлмай, кўп холларда душман аскарлари катта талофат кўрган. Чунки зовурдан ўтаётганда сарбозлар уларнинг устига ташланиб, сувга чўктирганлар ёки пичоклаб ўлдирганлар. Тошкент Кўкон хонлиги томонидан 1809 йили босиб олингандан кейин хозирги Ўрда кўпригининг ўнг томонидан Анхор бўйлаб Мустакиллик майдонигача чўзилган жойдан бошланиб, Навоий кўчаси ва Хадича Сулаймонова кучалари ўртасидаги ерларни камраб олган худудда 10 минг аскар сигадиган калъа курилган эди. Унинг ўртасидаги хукумат саройида хоким яшаган. У Кўкон Ўрдаси хам дейилган. Хозирги «Ўрда» сўзи шу туфайли юзага келган.

Шахар Шайхонтахур (аслида Шайх Хованд Тахур), Себзор, Бешогоч ва Кукча номларида тўрт дахага бўлинган. 1871 йилги маълумотга кўра, Шайхонтахур дахасидаги 48 махаллада кўпрок темирчилар, тўкувчилар, эгар-жабдук усталари ва ёг тайерловчилар, Себзордаги 38 махаллада буёкчилар, тикувчилар, этикдўзлар, Кўкчадаги 31 махаллада кўнчилар, косиблар яшаганлар. Бу ерда 340 чарм ишлаб чикарадиган корхона, 218 косибчилик корхонаси бўлган. Бешогоч махалласида эса кўпрок бой табакалар, унинг атрофидаги жойларда эса гиштчилар истикомат килган. Шахарда 189 мачит, 10 мадраса бор эди. Шахар ахолиси орасида мохир мерганлар, жасоратли ва мард кишилар хамда

Ватан учун жонини фидо этувчилар кўпчиликни ташкил этган. Шахар ахолисининг сони бир маълумотда 200 минг, бошкасида эса 100 минг килиб кўрсатилади. Тошкент шахри хар жихатдан Рус давлати диккат марказида турар, шунинг учун хам 1861 йилдаёк харбий саркардалардан бири Безак Оренбург ва Сибир кўшинлари билан Тошкентни дархол босиб олишни харбий вазирликка таклиф килган эди. У бу режа амалга оширилганда, Рус давлатининг чегараси анча кенгайишига, армияни озик-овкат ва бошка зарур нарсалар билан таъминлашга, тог жинсларига эга бўлишга ва, умуман, Рус давлатининг таъсир доирасининг кенгайишига эришиш мумкинлигини уктириб ўтган.

«Тошкент масаласи» 1863 йилнинг 9 мартида рус императори катнашувида махсус комитетда мухокама этилиб, Гарбий Сибир генерал-губернатори Дюгаммелнинг мазкур мавзу бўйича фикрини билиш ва 1863 йил бахорида Сирдарёнинг юкори окимини харбий юриш нуктаи назаридан ўрганиш ва маълумот тўплаш хакида карор кабул килинади. Дюгаммел эса, 1862 йилнинг 26 майида ёзган хатида биринчи навбатда Чуй ортига харбий кисм юбориш ва сўнгра Авлиёотани кўлга киритишни таклиф этди. Шунингдек, у Тошкентни урушиб олиш анча маблаг талаб этишини таъкидлаб, Рус давлати ихтиёрида мустакил Тошкент хонлигини бунед этиш максадга мувофиклигини маълум килди. Генерал Дюгаммел таклифлари 1863 йилнинг 23 февралида тилга олинган махсус комитетда мухокама килиниб, «иктисодий мулохазаларга» кўра, Авлиёотани босиб олиш ва бошка харбий юришларни тўхтатиб туриш тавсия этилди. Шу боис харбий юришларни уюштириш асосан 1864 йилга колдирилган бўлса-да, лекин кандай бўлмасин Тошкентни эгаллаш нияти рус харбий саркардаларини, хусусан генерал Черняевнинг миясига каттик ўрнашиб колганди. У Чимкентни урушиб олганидан унчалик кўп ўтмай, яъни 1864 йилнинг 27 сентябрида, 8 рота, 100 нафар казак, 12 замбарак, 1500 аскар ва 400 козок милицияси (кўнгиллилари) билан Тошкент Томон йўл олади.

Бу тўгрида Мухаммад Солих Тошкандий шундай езган: «Уруслар Тошкент сафари учун тайергарликни бошлаб, асбобу анжомларни тахт килиб, харбий тайёргарликни кўриб, аскарларини ярог-аслаха билан таъминлаб, улдирилган Бойзокнинг ўгли Окмуллани юклар ортилган туяларни бошкариб боришга бошлик этиб тайинлади. Унинг бошка ўгиллари эса йул бошловчи сифатида хизмат килдилар». 1864 йилнинг 1 октябрида Черняев Тошкент шахрининг шаркий томонидаги Дарвишак копка деган жойга етиб келади. Рус харбийлари бу ердан Анхор сувидан ўтиб, Чинобод ва Хожа Ахрор вакф ерлари, яъни Оккўргон оркали шахарга якинлашиб Кўкон йўлига жойлашадилар. Душман келаетганидан бохабар шахар ахолиси девор устида жангга тайер турган эди. Кўшфармончи Кипчок бошчилигидаги аскарлар Кўкон дарвозаси, Мирза Ахмад кушбеги сарбозлари Кашкар дарвозаси химоясига отланганлар. Тўпчилар эса, бу икки дарвоза орасидаги девор устига ўрнашдилар. Мудофаага барча шахар ахолиси отланиб «гариблар, фукаролар, кариялар, хатто ибодату намоздан кўра кўлимиздан келганча хизмат килиш яхши ва савоб, дейишиб мужохидларга ва гозийларга сув хамда озик-овкат етказиб турдилар».

1864 йилнинг 2 октябрида эрталабдан бошлаб хар икки томон ўртасида тўплардан ўклар узилди. Бу вактда Эшонкули додхох мадрасаси муллаваччалари (талабалари), хусусан эшон Шарифхўжа Офокхўжа ўгли, эшон Хожихон Солиххожи юзбоши ўгли, Саъид Ахрорхўжа Сотиболдихўжа ўгли, пичокчи уста Содик Назар, ўратепалик Хидирназар

заргарнинг укаси ва бошка зиёли вакиллари «газони ва бу шарафли урушни Куръон, тафсир ва хадислардан олинган сўзлар билан исботлаб, хаммани газотга ва урушга чорлади. Уларнинг ўзлари хам Кўкон дарвозасига бориб тўпчиларга кўшилиб ўк жойлашда ва отишда катнашдилар».

Генерал Черняев бошчилигида шахар девори тўплардан ўкка тутилгандан кейин подполковник Обух 2 рота аскари ва 4 тўпи билан хужумга ўтиб деворнинг бир кисмини тешишга эришади. Шундан кейин рус аскарлари подполковниклар — Обух ва Лерх кўмондонлигида шу жойдан шахарга бостириб кириш учун зовурни кечиб ўтишга харакат килганлар. Мухаммад Солих Тошкандийнинг гувохлигига кўра, «ўруслар олга чопиб зовурга ўзларини урдилар; уларнинг иккинчи гурухи ердамга келмокда эди. Шу онда девор устидаги шертабиат ва довюраклар ўзларини пастга ташлаб, зовур ичида ўруслар билан ёкама-ёка ушлашиб бир-бирларини ханжар билан ўлдира бошладилар. Хатто баъзи кишилар кочиб кетаётган душман оркасидан кувиб ва ушлаб, ханжар ва килич билан жанг килдилар. Зовур ичидаги ўруслардан уруш ва талаш билан 72 кишининг боши танасидан кесилиб, ярог-аслахалари ўлжа олиниб гозийларга бўлиб берилди».

Генерал Черняев 2 рота аскар билан шахар деворига якинлашса-да, лекин галаба килишига ишонмай, 12 замбаракдан шахарни ўкка тутди. Шу пайтда зовурдаги айрим руслар фурсатдан фойдаланиб уларга кўшилиш имконига эга бўладилар. Хуллас, генерал Черняев шармандаларча маглубиятга учраб, 4 октябрда Чимкентга кайтиб кетишга мажбур бўлди. Тошкентликларнинг жасорат ва мардлик билан жанг килганликларини рус муаллифларидан бири хам укдириб ўтган: «Шахар деворига 2 рота ва 4 замбаракдан иборат харбий кисм подполковник Обух кўмондонлигида хужум килди. Кўп ўтмай улар деворни тешишга эришдилар. Шундан кейин Обух подполковник Лорх билан хал килувчи хужумни бошлаб юборди. Аммо кўконликлар (тошкентликлар) шу даражада каттик ўкка тутдиларки, солдатлар деворга еттунча барча бошликларидан айрилдилар. Обух ўлар холатда жарохатланди. Черняев ёрдамга келган бўлса-да, лекин вакт ўтган эди, йўлда ўликлар етарди, ярадорлар жон бермокда эди. Тириклари эса, зовурда калашиб мадорсиз етишарди. 80 га якин киши ўз бошликларининг жасорати учун халок бўлдилар. Черняев аскарлари ашуласиз ва хурсандчиликсиз гам-гусса билан Чимкешта кайтдилар. Аммо уларнинг хар бири куконликлар галабадан кувонаётганликларини яхши тушунардилар».

Шахар ахолиси бир ёкадан бош чикариб кахрамонона курашганлари туфайли катта галабани кўлга киритиш имкони тугилганди. Голибларни шахарликлар катта тантана билан карши олдилар. Аваз Мухаммад Аттор Хўкандийнинг езишича, Тошкентда «жаноби сохибкироннинг (Султон Саъидхоннинг) келиши хабари маълум бўлди. Кофирлар ўз жойларига кайтиб кетишди. Тошкентликлар бу фатху зафарни эшитиб, жаноби сохибкиронга бехисоб лашкар билан бир неча кофирнинг бошини хадя ва совга сифатида жўнатдилар. 19 жумадул-аввал, чахоршанба кунида (1864 йил 21 октя-брда) бу башоратли хабар ул хосиятсиз бошлар билан бирга Хўканди латифга келди. Кабиру сагир, фукаролар бир неча кун хурсандчилик килдилар». Шундай килиб, генерал Черняев аскарлари Тошкент учун жангда катта талофат курдилар. Халок бўлган руслар сони 70-80 кишига борган. Аммо генерал Черняев уларнинг сони 18 киши деб нотўгри маълумот берган, ярадорлар сонини эса, 60 киши хисоблаган.

Тошкент химоячиларидан неча киши ўлганлиги ёки жарохатланганлиги хакида аник маълумотлар йўк. Аммо улардан хам кўпчилик халок ёки ярадор бўлганлиги хакида айтилган умумий сўзлар бор. Тошкентдаги галаба Кўконга маълум бўлгандан кейин Султон Саъидхон, Олимкул русларга карши харбий тайергарлик кўришга жадаллик билан киришадилар. Сўнгра улар Тошкент томон йўлга чикиб, бу ерга келганларида (1864 йил 25 ноябрда) халк уларни шоду хуррамлик билан кутиб олади. «Султон Саъидхон ва Мулла Олимкул амири лашкар, — деб ёзади Мухаммад Солих Тошкандий, — куп аскарлар билан Чирчикдан ўтганда шахар ахли, акобирлари, уламолари, фозиллари, сардорлар ва шайхлар уларнинг каршисига чикиб зиёрат этиб, йигисиги билан кўришиб ва дуога кўл кўтариб, уларни шахардаги хукумат саройига олиб келдилар. Уларга мужохидлар, гозийлар ва шахар ахолиси катнашувида зиёфат берилди». Бу душман устидан козонилган галабанинг тантанаси эди, албатта.

Султон Саъидхон ва Олимкул галабадан рухланиб Туркистон шахрини озод килиш учун харбий юришга тайергарлик кўрдилар. Айрим маълумотларга кўра, Кўкондан Тошкентга харбий тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун юборилган Мулла Юнусхон шиговул хон номидан Хофиз Кўхакий махалласилик Мухаммад Саъид савдогарни тинчлик сулхи тузиш максадида генерал Черняев хузурига юборган. Афтидан, бундан максад келажакдаги жангларга тайергарлик учун вактдан ютишдан иборат бўлган. Буни яхши англаган генерал Черняев сулх тузишдан бош тортган ва элчи Чимкентдан хеч нарсага эриша олмай кайтган.

Бу ўртада Кўкондаги хиндларнинг бир нечаси Султон Саъидхон ва Олимкул хузурига сарбозлик кийимини кийган холда келишиб узокка отувчи тўплар ва 100 нафар аскарга бошлик бўлиш истакларини изхор киладилар. Бу хамдардлик ва дўстликни акс эттирувчи таклиф инобатга олинган. Шунингдек, Кўкон, Тошкент ва бошка жойлардан кўп кишилар Ватан химояси учун курашга тайерликларини билдириб мужохидлар каторига кўшилганлар. Аммо шахарда соткин ва хоинлар хам йўк эмас эди. Масалан, энг йирик бойлардан ва Россия билан савдо килиб келаётганлардан бири Саъидазимбой Мухаммад ўгли (асли коратегинлик) Туркистонга бориб Янгикўргон урушида асирликка олинган рус солдатларини Мирза Давлат додхохдан 250 Кўкон тилла пулига сотиб олган. У бу асирларни «ўз манфаатларини ўйлаб ва ўрусларга яхши кўриниш учун» Окмасжидга олиб бориб, рус харбий бошликдарига топширган. Бунинг эвазига Саъидазимбой рус хукуматидан унвон ва медаллар олиб, уларнинг энг ишончли кишисига айланган. «Саъидазимбойнинг бу ножўя ва номуносиб харакатидан, — деб езганди муаррих, — баъзи замон жохиллари ва бузукбошилари, хусусан дуглат, аргун ва барлос кабилалари хам бу ишга мойил бўлиб халк орасига мухолифат ва ишончсизлик уругини сепдилар!».

Дархакикат, Саъидазимбой ва бошка айрим савдогарлар кўлларидан келганча рус харбий саркардаларига ёрдам бердилар. Хатто Мухаммад Солих Тошкандий Тошкентдаги бир гурух нодон фитначи ва дили бузук савдогарлар молларини олиб, руслар босиб олган Чимкент, Сайрам ва Туркистонга кўчиб кетганликларини нафрат билан езган. Соткин гурухлар кўпчиликни ташкил этмаса-да, лекин уларнинг ички сирларни душманга маълум килиб туришлари руслар галабасини таъминлаган энг асосий омиллардан бири хисобланади.

## ИКОН ЖАНГИ

1864 йилнинг ноябр ойида Тошкентда Султон Саъидхондан фотиха олингандан кейин Олимкул сарбозлар ва гозийлар билан Шайхонтахурнинг катта кўчаси бўйлаб Сагбон кўчаси ва Сагбон дарвозаси оркали Сариогоч йўлига чикадилар. Улар бу ергача «хар бир махаллада ва масжидлар олдида тўхтаб жамоа ахлидан дуо ва фотиха олиб» келдилар.
Кўшинда Олимкулдан ташкари Мирза Давлат кушбеги, кушфармончи Кипчок, Юсуфбой додхох, Ўтабий кушбеги Кипчок угли ва бошка нуфузли кишилар бор эди. Ватан химоячйлари йўлга отланганда нихоятда каттик совук тушиб, кўп азоб-укубатларни юзага келтир-ди. Бу ўта огир шароитни куйидаги сатрлардан хам англаш мумкин: «Шундай килиб, киш хам кирди. Кундан-кунга хаво совуб, кору ёмгир егиб, ер яхлаб, корнинг баландлиги оту туя кукрагига тегадиган бўлди. «Туф», десангиз музлайдиган хавода сохибкироннинг гайрати тушиб, лашкар сафидан 12 минг ёш йигитни танлаб, уларга Мулла Олимкулни сардор килди ва Туркистондаги кофирларга карши жангга боришларини буюрди. Шу вакт хавонинг совуклигидан хис ва харакат рухи бадандан сокит бўлиб, нафас танадан худди пўст ташлайдиган илонга ўхшаб зўрга чикарди. Айникса, Тошкентдан чикиб Кайраогоч мавзеига етиб келган кун тунда шундай шамол кўтарилдики, Од кавмини йўк киладиган тўфонга ўхшарди. (Мусулмонларнинг) бир неча нафарининг оёк-кўлини совук урди, баъзиларининг юзлари, кўзлари музлади, баъзи кишилар эса аклдан озиб, сафдан чикдилар. Бир гаройиб ахвол юз берди. Лашкар тез суръатлар билан харакат килиб Чулак мавзеига келди. Одамлар манзил килган шу жойда кофирлар хам кичик кўргон бино этиб, бир даста сарбозларни химоя учун колдирган эканлар. Шу кавмдан карийб 50 кишини ўлдириб, хотирларини тоза ва мусаффо килиб Икон калъаси олдида кўш урдилар».

Шу равишда мужохидлар барча об-хаво ва йул азобларини матонат билан енгиб, галабани кўлга киритдилар. Рус манбаларининг маълумотига кўра, маглубиятга учратилган ўша рус харбий кисми Серов бошчилигида Икон кишлогига тўрт чакирим колган жойда Олимкул кўмондонлигидаги ватан химоячилари томонидан куршаб олинган экан. Огир ахволга тушиб колган Серовга ёрдам бериш учун Туркистон шахридан 170 киши ва икки замбаракдан иборат рус кўшини юборилган. Аммо улар ватан химоячиларига дуч келиб оркага кайтишга мажбур бўлганлар.

Олимкул Серов аскарларини куршаб олгандан кейин таслим бўлиш ва мусулмон динини кабул килса, эркинлик берилишини маълум килган. Серов бу таклифни рад этгандан кейин Мухаммад Солих Тошкандийнинг езишича, ватан химоячилари «Тошкент акобирларининг маслахатига кўра, хашак, камиш ва тиканли наматга ўраб ва дехконларнинг «кора бўйра»сини ясаб оркасидан отликлар хужумга ўтдилар. Натижада душман аскарлари ярог-аслахаларини ва бошка нарсаларини ташлаб хамда кўп кишисини йўкотиб Туркистонга кочишга улгурди».

Икон жангига тегишли маълумот Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий асарида хам мавжуд: «Намози аср ва шом вакти орасида кетма-кет шундай хабар келдиким, бир неча юз ўрус кофирлари дабдаба билан якинлашиб келмокдалар. Бу хабарни эшитиб сохибкироннинг гафлат уйкуси бошидан учди. Мардлик гайрати унинг хамма паю суякларида харакатга келиб, ахли лашкарини куроллантириб, кофирлар йўлини тўсиш учун жўнади. Сарбозлар душман йўлини хамма томонлама босиб олдилар. Кору муз отларнинг кўкрагига тегар, хаво совуклиги эса ифрот каддига етарди. Шу кечани сарбозлар от устида ўтказдилар, уларнинг кўпчилигини совук урди. Кофирлар эса ўзлари кавлаган хандакларга кириб, юз минг ранжу азоб ила кечани кундуз килдилар... Ислом лашкарининг гозийлари тўрт томондаги кофирларга карата ўк ёмгирини ёгдирдилар. Ёш пахлавон йигитлар отларига миниб, хар тарафга чопиб кетдилар, кофирлар эса вахимага тушиб, уларни ўзларига йўлатмасдилар. Шундай килиб, кечгача жанг килсалар-да, хеч бир натижага эриша олмадилар. Кофирлар тогдек мустахкам эдилар. Аклли одамлар ўз расму ойинларига караб, маслахат килиб, хийла йўлини тутдилар. Улар бир кеча-кундуздан кейин хар хил нарсалар — намат, дарахт шохлари, кору муздан корабўйра ясаб, уни олдиларига кўйиб юмалатиб кофирлар мавзеига якалнлангдилар. Уларнинг оркасидан паналаб келган навкарлар тўсатдан душманга хужум килиб, кофирларни паришон холда нобуд этдилар.

Баттоллардан ўтгиз-кирк киши от ва туяларни миниб, Туркистон сари кочишга тушди. Мард сарбозлар бундан хабардор бўлиб, уларга етиб олиб, аклсиз кофирларни милтик билан отиб ўлдиришди. Минг хил хийла ва найранг билан шу кавмдан 3-4 нафари кутулиб, Туркистон калъасига етиб бордилар».

Икон жангида 114 кишилик рус аскарлари ва офицерларидан 57 нафари халок бўлиб, 48 нафари жарохатланди. Факат 9 кишигина саломат колди, холос. Ватан химоячилари кўп ярог-аслахаларни, шу жумладан, тўпларни кўлга туширдилар. Улардан хам кўп баходирлар ўлдирилган, лекин аник маълумотлар сакланмаган.

Султон Саъидхон ва Олимкул русларга сотилган айрим иконлик нуфузли кишиларни ўлимга махкум этиб, унинг ахолисини ўзлари билан Тошкентга кўчиртириб олиб кетганлар. Шундай килиб, ватан химоячилари навбатдаги галабани кўлга киритиб, шоду хуррамлик билан Султон Саъидхон ва Олимкул бошчилигида Тошкентга, сунгра Кўконга кайтадилар. 1864 йили ватан химоячилари Чимкент остонасида, Тошкент ва Иконда душман устидан галабага эришган бўлсалар хам, лекин Авлиёота, Туркистон ва Чимкентнинг кўлдан бой берилиши катта йўкотиш хисобланди. Рус харбий саркардалари, хусусан генерал Черняев Тошкент шахрини эгаллашни асосий максад килиб куйди. Буни яхши англаган Султон Саъидхон ва Олимкул Куконда харбий тайергарлик ишларини кизитиб юборадилар. Аваз Мухаммад Аттор Хукандий гувохлик беришича, «карийб олти ой пойтахтда туриб, вилоятнинг хар чеккасидан нодир хунарманд усталарни чакириб, кечасию кундуз найзаю тиг ва бошка уруш аслахалари ясалди. Тез орада 70-80 тўпи жангий мухайе килинди, бир неча минг саккиз-ўн карич келадиган султоний милтик хам ясалди. Курол-ярогларнинг адади ахли хисобга хам маълум бўлмади».

Ўз навбатида рус хукумати босиб олинган жойларда ўз харбий кучлари мавкеини мустахкамлашга каратилган чораларни амалга ошириб борди. 1865 йилнинг феврал ойида Сирдарё ва Янги Кукон чизиклари бирлаштирилиб, Туркистон вилояти ташкил

этилди. Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсундирилган мазкур вилоятга генерал Черняев харбий губернатор килиб тайинланди. Шу равишда босиб олинган жойларга Россия империясининг таркибий кисми сифатида караладиган бўлди. Оренбург, Сибир ва Каспий томондан кушимча харбий баталонлар ва ярогаслахалар келтирилди. Шунингдек, артиллерия янада кучайтирилиб, такомиллаштирилди. Баталонларни 11 тага, казаклар сони 1700 га етказилиб, махсус артиллерия бригадалари ва сапер роталари ташкил килинди.

## ТОШКЕНТНИНГ УРУШИБ ОЛИНИШИ

Рус давлати халкаро муносабатларни, хусусан Англия билан алокани кескинлаштирмаслик учун ўзбек хонликларини босиб олишга эхтиетлик билан карарди. Иккинчи томондан, эндиликда Рус давлатининг чегараси харбий ва моддий манбалар хисобланган Оренбург ва Гарбий Сибирдан 2000 км ва ундан ортик масофага узоклашиб кетганди. Янги харбий юришларни бирданига таъминлашнинг иложи колмаганди. Шуning учун рус хукумати вакиллари харбий юришлар уюштиришда шошкалоклик ва дангалчиликка йўл кўймасликка кўшин сардорларининг диккатини каратди. Аммо шухратпараст ва ўзбошимча генерал Черняев зудлик битан Тошкентни босиб олиш зарурлиги хакида бошликларга хат езди. Бунга жавобни кутмасдан хам Тошкентга карши харбий юришни бошлаб юборди.

1865 йилнинг 28 апрелида генерал Черняев 9 рота аскар ва 12 тўп билан Тошкентга 25 чакирим масофадаги Чирчик даресининг чап киргогига жойлашган Ниезбек калъасига якинлашди. Бу истехком тўрт томондан 3 метр баландликдаги калин девор ва сув тўлдирилган зовур билан ўралган эди. Деворнинг тўрт бурчагида минораси бўлган. Черняев хоин Абдурахмонбек бошчилигида элчи юбориб, калъа бошлигидан таслим бўлишни талаб этди. Рад жавоби олингандан кейин 29 апрелда эрталаб генерал Качалов бошчилигидаги солдатлар калъани тўплардан ўкка тутди. Аммо ватан химоячилари бўш келмади. Уша куни соат 3 да Тошкент томонидан 3 минг кишилик ватан химоячилари 2 зам-барак билан келиб генерал Черняев аскарлари билан тўкнашди. Душман эса, уларнинг хужумини кайтаришга муваффак бўлди. Шундан кейин Ниезбек калъасига хужум давом эттирилиб, босиб олинди. 370 сарбоз асир олинди, 6 тўп ва 315 курол ўлжа сифатида душман кулига ўтди. Бу ерда Черняев хоин, асли шахрисабзлик Абдурахмонбек Шодмон ўглининг маслахати билан Бўз-сув тўгонини бузиб, уни Чирчик сувига буриб, Тошкент шахрини сувдан махрум килди. Абдурахмонбек Тошкент шахрининг Чувалачи (Кумлок ёнида) махалласида яшаб Черняевга мухим маълумотларни етказиб турган. Султон Саъидхон ва Олимкул Икон жангидан кейин Тошкентга кайтган вактда Абдурахмонбек томонидан ёзилган хатни Чимкешта олиб кетаетган киши ушланган. Хатнинг мазмунидан унинг «Руслар билан тили бирлиги» маълум бўлади.

Абдурахмонбек нуфузли хонадонга мансуб бўлиб, мансабдан четлатилган бўлса керак. У аламзада ушланган одами билан Тешиккопка дарвозасидан кочиб Чимкентга борган ва

генерал Черняев хизматига. кирган. Бундан хабар топган Олимкул Абдурахмонбек «молмулкини, асбоб-анжомларини мусодара килиб ва соттириб гозийларга бериш хамда бу ишни бажаришни Мухаммадбий Бекмухаммад ўглининг зиммасига юклаш» хакида фармон берди. Хатто унинг уй-жойи ёндирилиб, остин-устин килиб ташланган.

Душманга сотилган хоинлар орасида шахарнинг энг катта бойларидан бири Мухаммад Соатбой деган киши хам бор эди. Бу киши Петропавловск, Троицк ва Россиянинг бошка шахарлари билан савдо олиб бориб, Москва ва Нижний-Новгород савдо доиралари билан алока ўрнатган эди. У рус тилини яхши билган. Мухаммад Соатбой шахардаги бир гурух хоинларнинг сардори сифатида генерал Черняевга мухим маълумотларни етказиб турган. Шунингдек, Синжиклик деган жойда тугилган Мулла Саъид исмли киши хам руслар тарафига ўтган. Бу борада юкорида кайд этилган Саъидазимбой Мухаммад ўгли хам душман фойдасига иш юритади. Рус манбаларининг кўрсатишича, у халк орасида ўзининг бойлиги билан ажралиб турган. Хонлик даврида махкамада маслахатчи бўлиб, кейин игво ва макр йўли билан хокимиятни кўлга олиш ва обрў орттиришга интилганлиги учун махкамадан четлатилган. Шунга ўхшаш ватан хоинларининг барчаси шахсий манфаатлари йўлида хеч нарсадан тоймайдиган ва хийла-найрангнинг пири бўлган кишилар эди, холос. Муаррих сўзи билан айтганда, улар «ўз дини ва ватанидан» юз ўгирган пасткаш одамлар хисобланганлар.

Тошкент шахри осмонида дахшатли хавф-хатар хукм сураётган пайтда бир гурух юкори табака вакиллари Бухоро хонлигига таянишга харакат килганлар. Уларнинг ташаббуси билан Бухорога ёрдам сўраб элчи юборилади. Ахмад Донишнинг берган маълумотларига кўра, бу мухим масала Бухорода мухокама килинаётган-да, айрим кишилар Тошкентга ёрдам беришни таклиф этган бўлсалар-да, лекин, биринчи навбатда, Султон Саъидхоннинг Бухорога келиши ва бу билан бўйсунганлигини изхор этиши лозимлиги укдириб ўтилган. Бунинг устига Бухоро амири Музаффар «Мен бир рус лашкарбошиси билан жанг килишни ор-номус деб биламан, хохласам, тўппа-тўгри Масков ёки Петербургга бориб, Рус давлати билан урушаман», деб катта кетган. Бу хам камдек амир Музаффар Кўкон хонлигига карши харбий юришга тайергарлик кўради.

Тошкентликлар Кўкон хонлиги тарафини олиб Ватан химояси учун тайер турдилар. Шуниng учун хам улар Окмасжид махалласида истикомат килувчи Эшон Бобохўжа Амин деган кишини душман тажовузи хакида ахборот бериш учун Кўконга юборадилар. Бу ерга дархол хонликнииг барча жойларидан сарбозлар ва гозийлар тўплланишиб, Султон Саъидхон ва Олимкул бошчилигида Тошкентга йўл олганлар. Улар Хўжанд оркали Тўйтепага етиб келадилар. Бу ерда бир кеча дам олгандан кейин Чирчик дарёсидан ўтганлар. Буни эшитган «Тошкент амалдорлари, сардорлари, уламолар, фозиллар, шайхлар, гариблар, гадолар, эркак ва хотинлар аралаш шодликларидан уларнинг истйкболларига чикиб гозийлар, мужохидларнинг юзларидаги чангу губорларни ювдилар». Шундан кейин улар Мингўрикка келадилар. Бу ерда шахар ахлининг катнашувида Султон Саъидхон, Олимкул ва сарбозлар шарафига зиефат берилди. Шу ерда Олимкул нутк сўзлаб, Тошкент ахлининг душманга карши кўрсатган жасорати ва кахрамонликларига миннатдорчилигини билдириб, бу билан фахрланишини укдириб ўтади. Шунингдек, у «бир томчи кони колгунча» курашажагини хамда Бухоро амирининг умумдушманга карши харакатга катта зиён келтираётганлигини гапирган. Агар, деган у,

амир Музаффарнинг бунчалик душманлигини аввалрок билганим-да биринчи навбатда «уни Амир Темурнинг баланд макомидан ва давлатидан махрум килиб», сўнгра русларга карши урушган бўлардим. У ислом динини мустахкамлаш, мамлакат куч-куввати ва тараккиётини таъминлаш хамда авлодларга «фил мисоли ёдгорлик» колдириш ва хорижий мамлакатлар билан алокаларни ривожлантириш лозимлиги хакида хам гапирган.

Олимкул кимники оти, туяси еки эшаги бўлса, харбий аслахалар, озик-овкат ва чодирларни Чирчик дарёсидан ўтказишга дархол ёрдам беришларини шахар катталаридан ва ахлидан илтимос килади. Бу сўров бажонидил кабул килиниб, амалга оширилган. Тошкентга келган сарбозлар ва гозийлар орасида кўконликлар, андижонликлар, наманганликлар, маргилонликлар, ўратепаликлар ва хонликнинг бошка жойларининг ахли бор эди.

Мухаммад Солих Тошкандий гувохлигига кўра, сарбозлар ва гозийлар эрта тонгда ўринларидан туришиб, мусика ва мунгли макомларни тинглашиб, киблага караб жойнамозда ўтирдилар. Бу пайтда «хар бир чодирдан бомдод азонининг овози эшитилиб турди, сўфилар овозининг акс-садоси бутун осмону фалакка таралди. Бомдод намози адо этилгандан кейин одамлар рухланиб ва дадиллашиб камарлар билан белларини боглаб, киличлар такишиб, найза ва тўфангларни олишиб, темир калконларни кийишиб, шўх, ўйноки ва келишган отларни минишиб жангга шайландилар». Сўнгра уларга фукаролар, муллаваччалар (мадраса талабалари) ва бошка гозийлар кўшилишиб, Афросиёб тепалигига боришиб, Султон Саъидхонга салом ва кўриниш бердилар. Бунда муаллифимиз Мухаммад Солих Тошкандий хам жангчи сифатида хозир бўлган эди. Юкорида кайд этилган козок халкининг кахрамони Содик Кенесари ўгли Олимкулнинг ўнг кўли сифатида лашкарбошитик килган. У бир гурух сарбозлари билан душман турган жойга вазиятни билиш учун (разведкага) юборилади.

«Содик тўра, — дейилади Мухаммад Тошкандий асарида, — навкарлари билан чопиб келиб хабар бердики, икки фирка рус аскарлари икки томондан — Шўртепадан чикиб Олтинтепага ва бу ердан Назар кўрбоши кўргончасига келишди ва бир-бирлари билан кўшилишди. Сўнгра, улар йўлни давом эттирдилар. Уларнинг бир кисми отлик, колгани эса пибда аскарлар хисобланиб, икки тўплари бордир. Улар кўп ўтмай Салор аригига етиб келадилар».

Дархакикат, душман Салор атрофига ўрнашади. Олимкул уларга карши биринчи навбатда кора кийимли сарбозларни, кейин нимча кийимлиларни ва оркасидан темир совут кийган 2000 навкарни, 2000 кулохпўш (шлем) кийганларни, сўнгра милтик билан куролланган отликларни хамда хар бир минг киши орасида икки замбаракни жангга отлантиради. Уларнинг кетидан яна отликлардан ва газот талабгорлардан иборат кучлар борди. Олимкул сарбозлар ва гозийлар оркасидан «чопкир отга миниб тезлик билан Афросиёб тепасидан тушиб шахарнинг Кўкон дарвозасига бориб тўпчилар, оташхона ва замбаракларни шундай тартиби билан ўрнаштирдики, хар бир сафни бошидан охиригача караганда худди бир одам тургандек кўринарди. Сафлар орасида 36 замбарак кон ичувчи ўклари бўлган огизларини очган холда фармонни кутиб турардилар. У бу ердан Тархонсаъид ариги бўйида турган мужохидларни хам кўздан

кечираётганда, ўруслар Салор аригидан ўтиб тўп отдилар ва солдатлар олга юра бошладилар». Бу вокеада бевосита катнашган Мухаммад Солих Тошкандийнинг ёзишича, урус аскарларига карши туп ва милтиклардан ўклар отилган. Шундан кейин жанг майдони тўп ва милтиклар тутунидан, чанг-тўзондан киши бир-бирини кўра олмайдиган даражага етди. Шунга карамай ватан химоячилари шиддат билан хужумга ўтиб, рус аскарларини чекинишга мажбур килганлар. Шу онда Олимкул хар бир шахс олдига бориб, хусусан баходирларга, сардорларга ва сарбозларга ширин сўзлар билан мурожаат этиб, дин ва Ватан учун жангга рухлантириб турган. Отликлар уч тарафдан хужум килиб, душман оркасидан кувлаб Олчок ва Олтинтепа мавзелари оркали Шўртепагача кувлаб борганлар. Душман бу ердаги тепаликка чикиб жон саклаб колган. Шундан кейин ватан химоячилари турган жойларида зовурлар казиб урнашиб оладилар. Ватан химоячиларининг бир кисми шахарга кайтиб дам олишга ва янги жангларга тайёргарлик куриш тараддудига киришади. Шуни алохида таъкидлаб утиш лозимки, кулга киритилган катта галаба карнай-сурнай садолари ва ашула-куйлар садоси остида зўр шоду хуррамлик ва тантана билан карши олинди. Шуниси диккатга сазоворки, бу галабани кулга киритишда шахардаги ахолининг катта-кичик барча тоифалари ва аёллар фаол катнашдилар. Бу хусусда вокеалар катнашчиси Мухаммад Солих Тошкандий шундай езади: «Шахар ахлининг 7 ешидан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-кариси хизмат камарини белларига боглаб, пишган таомларни бошларига кутариб катик, сут, шарбат, иссик нонлар ва ширин меваларни саватларга солиб, гозийлар ва мужохидлар турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик килиб, кўзларидан хасрат ёшларини окизиб, куз ёшлари билан гозийлар ва мужохидлар юзларидаги чангу губорларни ювиб, артиб кўзгудек тозалаб, (келтирган нарсаларини) еб битиришларини илтижо килдилар».

Киши калбини хаяжонга солувчи мазкур сатрлар шундан гувохлик берадики, тошкентликлар Ватани ва дини учун жонини хам, молини хам фидо этиб чинакам эрксеварликларини, киндик кони тўкилган ерга содикликларини яккол намойиш килдилар. Галаба том маънодаги халк шодиёнасига айланиб, довруги хонликнинг барча жойларига таркалди. Эндиликда Султон Саъидхон ва Мулла Олимкул навбатдаги жангни кайси тарзда ўтказиш хусусида маслахатлашиб олиш учун кенгаш чакирдилар. Бунда тошкентликлар бир тарафга ва кўконликлар иккинчи томонга алохида ўтказилиб, фикр алмашилди.

Тошкент вакиллари катта жасорат ва гайрат билан галабага эришилганлигини эслатишиб, Содик Тўра ва унинг укаси Арслон Кенесари ўгиллари бошчилигида навкарларни ва гозийларни Туркистон, Окмасжид, Тўкмок, Олмаота ва, умуман Гулжагача бўлган хонликка тегишли ерларни кайта эгаллашга чакирдилар. Бошкачарок айтганда, улар хужумкорлик ва шиддат билан боскинчилар устига бостириб бориш зарурлигини таъкидладилар. Аммо кўконлик амалдор Отабек шарбатдор деган киши Мулла Олимкулга пичирлаб: «Агар уларнинг бу режалари руёбга чикиб колса, у вактда бириси хон, бириси вазирликни хохлаб биздан юз ўгириши турган гап» деган. Мулла Олимкулга бу гап маъкул тушиб, аввало мамлакатдаги ички ишларни хал этиб, сўнгра жахонгирлик килиш ўринлидир, деб жавоб берган. Аслида душман маглубиятга учраб турган кезларда шиддатли хужум воситасида уни тамомила тор-мор этиш харбий нуктаи назардан энг тўгри йўл эди. Аммо Мулла Олимкул бундан олдинги галабаларда хам

душманни охиригача маглубиятга учратиш сиёсатини кўлламай дастлабки галаба билан каноатланиб колгани рус харбий сардорларига жуда кўл келганди. Улар хар гал бундан фойдаланиб, нафас ростлаб ва тайергарлик кўриб хал килувчи жангларда баланд кела бошладилар. Тошкентда хам худди шундай хол юз берди.

Рус манбаларига кўра, юкорида шархланган жанг 9 май эрталаб соат 7 да бошланиб, ватан химоячилари 12 замбаракдан ўк узиб, хужум килганлар. Шундан кейин гўе ватан химоячилари чекинган эмиш. Лекин, дейилади рус манбасида, душманнинг (яъни ватан химоячиларининг — Х. З.) ўк ёмгирлари остида рус аскарлари тепаликка чикиб олган эдилар. Бу маълумот муаррихнинг руслар Ниёзбек калъасидаги тепаликка чекиндилар, деган сўзларини тасдиклайди. Аммо рус манбаларида Черняевнинг маглубиятини сир тутиш максадида ватан химоячиларининг галабаси тилга олинмайди.

Галабадан кейинги вокеаларни муаррих куйидагича таърифлайди. У мадрасадаги ўз сафдошлари билан куролланган холда Кўкон дарвозасидан чикиб, Салор ариги оркали Назар кўрбоши кўргончасига келган. Бу ердан улар жанг майдонига отланишиб, Олчок ва Дўрмонча деган жойга бориб, мудофаада турган ватан химоячиларига кўшилганлар. Бу ерларнинг уч жойида 12 тадан, яъни 36 тўп ўрнатилган булиб, уларнинг орасида сарбозлар ва гозийлар ўрнаштиричган эди. Айни вактда Шўртепа калъасининг нариги томонида уч бўлинмадан иборат рус аскарлари турган. Хар икки томон ўртасида тўплардан ўк ёмгирдек ёгилиб, хамма екни чанг-тўзон коплаган. Бу дахшатли жангни ўз кўзи билан кўрган Мухаммад Тошкандий шундай ёзганди: «Тўплар ва милтиклар огзидан думалок ўт-оловлар чикиб, хавога парвоз этиб, душман устига ёгар эди. Жасур ва фидойи сарбозлар хамда мужохидлар уруш майдонида душманни ёкасидан ушлаб ва муштлашиб, кўлларидаги тиг, килич ва найзалар билан жанг килдилар. Майдонда ўлаётганлар ва жарохатланганларнинг ох-вохлари ва фарёдлари садолари хар томондан эшитилиб турарди».

Шу пайтда Мулла Олимкул хужумни янада жадаллаштириш хакида фармон бериб, Абдуллабек билан от чоптириб жангга кириб кетдилар. Абдуллабек бир кўзидан жарохатланади, лекин у бўш келмай каршисидаги рус солдатини киличи билан икки бўлак килиб ташлайди. Мулла Олимкулнинг ўзи хам бир солдатни чопиб ташлайди. Жанг авжига миниб турган пайтда бир ўк Мулла Олимкулнинг корнини тешиб, киндигидан чикиб кетади. Шу онда Мулла Олимкул «от устидан йикилаётганда уни бўйнидан махкам ушлаб, ўзини яна от устига олди ва шу холда тўпхона олдига бориб фармон бердиким: «Тошкент фукаролари аста-секин оркага кайтиб ўзларини шахар ичига олсинлар, бошка сарбозлар ва мужохидлар эса урушни давом эттирсинлар».

Мулла Олимкулнинг каттик жарохатлангани ва тошкентликларнинг шахар ичига кайтиши хакидаги кўрсатма ватан химоячиларини саросима ва вахимага солиб кўйди. Шунга карамай ватан химоячилари жангни давом эттирдилар.
Юкорида шархланган жангнинг тафсилоти ва айрим сардорларнинг хоинлиги Мулла Олим Махмудхожи асарида хам ўз ифодасини топган. Унга кўра, кипчок ва киргизларнинг баъзи бошликлари нихоятда хавф-хатарли ва такдирни хал этувчи дамларда очикдан-очик жанг килишдан бош тортган. Бу масала хусусида ўша муаллиф шундай езган: «Тошкентдан тахминан ўн икки чакиримлик Олчок мавзеига якинлашганда

Мулла Олимкул курибдурларким, Русия кўшини бир жойга жам бўлиб турубдур. Оларнинг мукобилига Мулла Олимкул отлик мерганларни пиёда килиб, тўпчи сарбозларни енига кўйиб, тўпларни рўбарў айлаб, икки тараф отишма бошлабдир. Хар икки тарафнинг тўп-тўфонг отишидан ва чангу губоридин уруш маъракаси коронгу бўлиб, бир-бирларини кўрмайдургон даражага етуб, бу урушда Мулла Олимкул ўзи кўшинга бош бўлиб, гох бул тараф, гох ул тарафдаги аскарларнинг тепасига бориб кўнгил сураб турган. Аксар кипчок-киргизия саркардалари кўшинлар билан урушга аралашмай Мулла Олимкулга кўриниш айлаб тепа устидин урушни назорат килиб турубдурлар. Мулла Олимкул Юнусжон шиговулни юбориб айтибдурларким: «Бу кандай ахвол... хусумат ва адоватни вакти эмас, уруш тамом бўлгандан кейин хар нима кўнгилларингизда бўлса, муддоан табъ жойига етказурман. Хаммамиз иттифокдашиб обрў олайлук, бўлмаса мулку мамлакат, давлат кўлдан кетадур». Бу сўзларни Юнусжон шиговул еткургон холда оларнинг ичидан Пўлод киргиз деган дагал одам каттик ва дуруст жавоб бериб, Юнусжонни кайтарди. Шул уруш асносида Мулла Олимкул савора хар кайси кўшин дастасида гох тўпчилар, гох пиёда мерган ва отлуг аскарлар олдига бориб, хар кайсиларига ўзи амр бериб турган холда бикинидан ўк тегиб отдин йикилди. Дархол уни от узасига олиб, кўшиннинг назарига сог одамдек кўрсатиб кўшинга дархол тўп ва тўпхоналар илан аскар Тошкент рафига кайтсин деб амр берилди».

Шу равишда ватан химоячилари сардорсиз колиб ўз холига ташланди ва парокандалик кучайиб борди. Шунга карамай улар ўз куч ва иродаларига таянган холда уруш майдонини ташлаб кетмадилар. Улар 36 замбаракдан душманга карши ўк отиб турдилар. Сўнгра карнай садолари остида ватан химоячилари бирданига хужумга ўтиб, душманлар билан юзма-юз жанг килдилар. Шу тарзда улар аста-секин Салор аригига чекиндилар. Бу вактда Мулла Олимкул нихоятда огир ахволига карамай жангчилар билан бирга бўлди.

Аммо баъзи хоин гурухларнинг хатти-харакатлари душманга карши курашга анча зарар етказди. Биринчилар катори Хакимхўжа Калон бошчилигидаги себзорликлар душман хужумига бардош беролмай кочдилар. Кипчок, киргиз ва андижонликлар хам кўлга тушган нарсаларни олиб Фаргона томонга йўл олдилар. Муаррихнинг гувохлик беришича, бундай соткин гурухлар хатто Кўкон дарвозаси рўпарасида турган 12 тўпни шахар ичига олиб кириш хакида тўпчиларнинг илтимосига кулок солмай кетаверганлар. У ўзининг хамрохлари билан икки тўпни шахар ичига жойлаштиришга ёрдам берган. Худди шу вактда белига олтин камар боглаган, кумуш кинда киличи ва олтин сошш ойболтаси бор сардорлардан бири хам кочиб кетаёттанда Мухаммад Тошкандий уни хоинликда айблаб темир табк билан елкасига уриб йикитган. «Бироз муддатдан кейин, — деб ёзганди муаррих, — Абдуллабек табиб Мулла Олимкулни ўзига суянтириб келаетир, уларни ёнида эса хиндистонлик тўпчибоши даструмолчаси билан кўз ешларини артиб турган эди. Шунда Мулла Олимкулнинг ўгли келиб дадасини кўргани хамон «Вой, отам», деб йиглаб юборди. Жамидор (ўша хинд) тўпчибоши дархол унга «товуш чикарма», деб ишорат килди. Ўглини кўриб Мулла Олимкул олдига келишини ишорат килди. Ўгли дарров келиб кулогини отасини огзига тутди. Мулла Олимкул нималарнидир пичирлади хамда кўйнига кўлини тикиб пайгамбарнинг муборак сочларини ўглига берди. Шу билан ўгли билан хайрлашди ва кетишига рухсат берди. Шундан кейин Мулла Олимкулни аста-секин Кўкон дарвозасидан ичкарига олиб киришиб чап томонига шайх

Шиблий кўпригига юришиб ва ундан ўтиб ўнг кўлдаги соя-салкин дарахтзорга еткизишди».

Шу пайтда русларнинг тўпдан отган ўкларининг бири калъани шикастлантирди, иккинчиси баъзи тўпларни ўлдирди ва баъзиларини жарохатлантирди. Натижада тўп отувчи киши колмаганидан Мухаммад Тошкандий хамрохлари билан ўкни тўпга жойлаетганида бир ёш йигит келиб, исми Тошмухаммад эканлигини ва Оккўргонданлигини билдириб тўпни отишга киришган. Бу йигитнинг отган ўклари хато кетмасдан мўлжалга тегиши оркасида рус замбаракларининг овози ўчган. Бундан хурсанд бўлган Мухаммад Тошкандий дебди: «Эй, жон ўглим, сени хизматингни шарофатидан мусулмонлар катта фойда кўрдилар, калъа кунгирасидан карайлик-чи, ўклар бекорга кетмаганмикан. Тездан карасак, руслар Ниёзбекни катта йўли бўйлаб тўпларини пастлик ерга кўйиб, сўнгра аста-секин Шуртепа томонга юрдилар. Буларни кўриб мен: «Охиратинг обод бўлсин, зоту зурриётингга рахмат», — деб Тошмухаммадни дуо килдим».

Ватан химоячилари душманга карши тўплардан ўк узишни тухтатмай, пировардида хаммаси шахар ичига кайтишиб дарвозаларни махкамлашди. Шахарда ўз-бошимчалик ва парокандалик хукм суриши оркасида вазият янада огирлашган. Хамон Кўкон навкарларидан бир гурух кишиларнинг Хўжанд ва Кўкон томонга кетаетганлигини кўриш мумкин эди. Шу пайтда Асадулла табиб ва Абдулла либосдор шайх Шиблий кўприги томонидан ярадор Мулла Олимкулни замбилда хукумат саройига олиб келдилар. У замбилда етган холда «Тошкент фукаролари хафа бўлмасдан уй-жойларига кайтсинлар», деган сўзларни такрорлай берган. Афтидан, у уларни шахар мудофааси билан машгул бўлишга чакирган. Мухаммад Солих Тошкандий хамрохи Эшонхонхожи билан шовкин-суронни эшитиб курол билан масжиддан кўчага чикишса, Чуст хокими Мухаммад Аюб отлиг ярог-аслахалар ва байроклар хамда минг кишилик отлик аскарлар билан кетаётган экан. Уларга «Каекка кетаётирсизлар?», деб савол берилганда, «Ўруслар Кўкча дарвозаси томон келмокчи, амири лашкар Мулла Олимкул ўша ёкка боришни буюрдилар», деб жавоб берганлар. Шу пайтда бир киши амири лашкар ўлдилар, улар кочиб кетаётир, деб муаррихга гапирган. Шунда Мухаммад Солих Тошкандий Чуст хокимига «Хукумат берган тузини» инобатга олиб, душманга карши урушни давом эттириш лозимлигини айтганда, хоким: «Бу муллавачча нималарни гапираяпти», — деб киличи билан унинг бошига урмокчи бўлган. Мухаммад Тошкандий эса чакконлик килиб милтигининг кўндоги билан хоким отининг тумшугига ва орка томонига урганда гандираклаб, оркага кетаётган отларга урилган. Улар вахимага тушиб кочиб колганлар. Муаррих яна бир вокеанинг гувохи бўлган. У кўчада кетаётганда чопони ичида киличибор икки кишининг юк ортилган икки отни етаклаб кетаётганликларини кўриб, сўраганда «Бизлар савдогарлармиз, хукумат саройига бораётирмиз», — деб жавоб беришган. Аммо Мухаммад Солих Тошкандийнинг шогирдларидан бири отликлар Кўкондан кори Шамсиддин томонидан Мулла Олимкулга уруш харажатлари учун юборилган маблагларни олиб кетаетган Хакимхўжа ва Ёкуббойвачча исмли кишилар эканлигини маълум килади. Бу давлат хазинасига тегишли маблаглшини англаган Мухаммад Солих Тошкандий хазинани Муса Мухаммадбий деган кишининг уйига куйдирган ва ўгирланишдан саклаган. Шундан кейин Мухаммад Солих Тошкандий бу хакда маълумот бериш учун Султон Саъидхон хузурига кетади. У хамрохи Эшонхўжа

билан шайх Шиблий ариги кўпригидан ўтганда «подшохлик анжомларини ва хар хил нарсаларни» тепасида турган Тўракул деган кишига дуч келган. У киши бу хазинага тегишли нафис ва кимматли буюмларни шахар ичига олишда ёрдам беришни муаррихдан илтимос килган. Бу сўров сарбозлар ёрдами билан амалга оширилган. Кейин маълум бўлишича, хазина моллари каергадир олиб кетишга тайерлаб кўйилган экан. Мухаммад Солих Тошкандий Султон Саъидхон дарвозанинг шимолидаги Давлатбой деган кишининг ўрикзорида турганини аниклаб олади. Мухаммад Солих Тошкандий Султон Саъидхоннинг: «Каердан келабтирсизлар?», — деган саволига шундай жавоб беради: «Мужохидлар ва гозийлар жамоасига Кўкон дарвозасини беркитдириб, паришонхол ва хар томонга кочаётган кишиларни ўз жойларига кайтариб ва яхши сўзлар билан кўнгилларини кўтариб, юракларидаги хар турли вахима ва хавфни чикариб, подшохликка тегишли турли молларни ва маблагларни талон-тарож этишдан холи этиб, маълумот бериш учун хузурингизга келдик».

Шунингдек, у сўзининг охирида Тошкент шахрининг «куршовдаги кўл-оёксиз (сардорсиз) ва ташналикда (сувсизликда) колган халкини озод этишнинг охири бахайр бўлишлиги»ни таъминлаб, «яхши ном колдириш ва буни авлодлар калбида абадул-абад сакланишини» таъкидлаб ўтади.
Мухаммад Солих Тошкандийнинг бу оташин ватанпарварлик сўзлари Султон Саъидхон ва юкорида айтилган хазинани Кўконга олиб кочишга харакат килаётган Муфсид Отабек шарбатдорнинг газабини кўзгатиб юборди. У ўзини тута олмай навкарларга Мухаммад Солих Тошкандийни отиб ташлашни буюрди. «Бизлар хам, — деб ёзади муаррих, — кўчани ўртасига тушиб улардан олдин милтикларимиз билан уларни пешонасини нишонга олдик. Бу холни кўриб турган вилоят катталаридан бири бўлмиш Эшон Мансурхўжа: «Отабек, хозир шундай вактки, фитна-фасодни ва халкни паришонлигини даф этиб ва оркага кайтиб мамлакатдорлик ишлари билан машгул бўлиш даркордир. Айни бир вактда подшохлик асбобу анжомларини бир ерга тўплаш лозимдир», — деб гапирган.

Шундан кейин йўлга чикишга отланиб турган Султон Саъидхон «дархол отининг жиловини оркага буриб ва кайтиб» Мухаммад Солих Тошкандий ва бошка кишиларнинг олдига келиб ўзининг кетмаслигини англатди. Шундай килиб кўрдикки, Мухаммад Солих Тошкандий оташин ватанпарвар, жасоратли ва мард жангчи сифатида ўз она юрти химояси учун хеч нарсадан кайтмаган. Унинг Султон Саъидхонни кора кучлар панжасидан ажратиб олиши ва хазина молларини саклаб колиши душман камалидаги шахар ахли учун хар жихатдан катта ахамиятга эга бўлди. Султон Саъидхондан юз ўгириб кочиб кетган кипчоклар, киргизлар, айрим Кўкон сардорлари ва навкарлари Куконга боришиб тахтга янги хонни тайинлаш харакатига тушиб кетдилар. Бу вактда Тошкент шахри амалда Кўкон хонлигидан ажралган холда яшамокда эди. Аммо Тошкент ахли Султон Саъидхоннинг, юкорида кўрсатилганидек, Мулла Олимкул амири лашкар билан душманга карши курашларда бевосита катнашганлигини кадрлаб ва ўз содиклигини изхор килиб, уни кайта хонлик тахтига ўтказдилар. «Мамлакат аъёнлари, ашрафлар ва мутасаддилар, хусусан Содик Тўра ва укаси Арслон Тўра, Мулла Солих додхох, Бобожон понсодбоши, Мулла Содик ва Отакули Махрам ясовул ва бошка сардорлар хозир бўлишиб, таъзим ила салом беришиб, пешоналарини мазаллати тупрогига суртиб, амал даражалари макомига яраша ўтиришиб якдиллик билан Султон Саъидхонни тўрт бурчакли ок кийгизни устига ўтказиб, юзини кибла томонта каратиб

куйдилар. Тўрт жамоа ва кабила бошликлари кийгизни бир бурчагидан, уламо ва фозиллар иккинчи бурчагидан, Содик Тўра ва Арслон Тўра ва бошка элат бошликлари учинчи бурчагидан, Кўкон сардорлари тўртинчи бурчагидан, Тошкент аъбнлари, ашрафлари ва саркардалари, жумладан Шер Алибий, хаммалари бирданига такриб айтиб, саловот ўкиб, йиглашиб подшохликка кўтаришди хамда подшохлик тожини бошига кийгизишди. Шу онда улар «Муборак бўлсин» дейишиб, табриклашдилар. Султон Саъидхон шарафига зиёфат берилди».

Султон Саъидхон Мухаммад Солих Тошкандийнинг хизматларини такдирлаб, шойи тўн кийгизиб шундай деган: «Эшони домулла! Энди давлатга шерик бўлдингиз, хабар олиб турсунлар». Шу равишда Тошкент ўз хонига эга бўлиб, амалда мустакиллигини намойиш этди.

Мухаммад Солих Тошкандийнинг ёзишича, мазкур вокеа арафасида унинг амакиваччаси эшон Юсуфхўжа Иногомхўжа читфурушнинг ўгли хонадонидан Мулла Олимкулни ўлиги чикарилиб, Шайхонтахур кабристонига кўйилган. У хам тобутни кўтаришиб борган. Мулла Олимкулнинг жон бериши ва дафн этилишини Аваз Мухаммад Аттор Хўкандий шундай баён этган: «Киргиз ва кипчоклар вафосизлик килиб, Хуканди латифга кетган кунларида сартия ахолиси замон хонига вафодорлик кўрсатиб, амири лашкар билан колдилар. (Кипчок ва киргизлар) хиёнати амири лашкарга хам маълум бўлди. Бундан дард чекиб (Олимкулнинг) касаллиги яна огирлашди ва пешиндан кейин унинг рух кушчаси тананинг тор кафасидан халос бўлиб, жаннат оламининг фазосига учиб кетди, жонни жон ато килганга бериб, шаходат даражасига етди. Амири лашкарнинг фарзандлари, хотинлари ва тобелари бу ахволни мушохада килиб, мажрух калблари яна махзун бўлди. Сабру карор жабрини кўлдан бериб, гам ва кайгу тарикасига ўтдилар. Аркони давлат, аъёни шавкат, сартия мамлакатининг акобиру ашрафлари, Тошкентнинг каттаю-кичиги хамма кайгуга тушиб йигладилар. Уларни кўзларидаги ёшлар дурга ўхшаб окарди.
Алкисса, ул жамоатнинг нолаю фареди фойда килмади ва бу дарди бедавога илож хам топилмади. Нихоят, фохира дунбнинг орият либосини амири лашкар танидан ечиб, охират либосини кийинтирдилар. Аркони давлат ва аъёни мамлакат кайси маконга Мулла Олимкулнинг жасадини кўяйлик, деб машварат килиб бир карорга келолмадилар. Шу махал амири лашкарнинг бир неча ишончли кишиси ўзаро маслахат килиб иттифокликда жасадни фозиллар куёши хазрати Шайх Хованд Тахур мозорида дафн килдилар».

Бинобарин, Мулла Олимкул кайгу-алам ва хурмат-иззат билан жамоа ахлининг барча тоифалари иштирокида кўмилди. Хакикатан хам у ўз халкининг содик фарзанди ва жонкуяри эди. У Маллахон вактидаёк ўнлаб янги ва анча такомиллашган тўпларни, ярог-аслахаларни тайерлашга катта эътибор билан каради. У Рус давлатининг тажовузига карши олиб борилган жангларга бевосита бошчилик килди. Уларда кўлга киритилган ажойиб галабалар унинг номи билан богликдир. Пировардида унинг ўзи хам жанг майдонида огир жарохатланди ва халок бўлди.

Тўгри, айрим манбаларда Мулла Олимкул фаолиятига доир салбий карашлар хам мавжуд. Аммо ўша даврдаги жуда мушкул сиесий ва иктисодий шароитда унинг килган

ишлари хар кимнинг хам кўлидан келавермас эди. Бунинг учун Мулла Олимкулга ўхшаган ватанпарварлик, тадбиркорлик ва жасорат сингари олий фазилатларга эга бўлиш лозим эди.

Султон Саъидхон кайта тахтга ўтказилганидан кўп ўтмай саркардалар, уламо ва фозиллар, умуман, шахарнинг нуфузли кишилари катнашувида Рус давлатига карши курашда кандай чоралар кўриш масаласи бўйича кенгаш ўтказилди. Кизгин бахслардан сўнг ёрдам сураб Кўконга, Бухоро ва Хива хонликларига элчилар юборишга келишилди. Султон Саъидхоннинг кўрсатмасига биноан, хон саройидаги Мулла Мирза шиговул ва Мулла Юнусхон мунший деган кишиларга юкорида кайд этилган жойларнинг хукмдорлари номига хат тайёрлаш топширилди. Кўконга юборилган элчилар жанг майдонидан кочиб бораётган Кўш парвоначи кипчок (собик Тошкент хокими) ва Мирза Ахмад кушбеги бошчилигидаги навкарларни Пискент ва Курамада учратиб, ердам бериш тўгрисидаги хатни топширганлар. Аммо улар оркага кайтишга кўнмай Суптон Саъид ва Муфсид Отабек шарбатдор номларига хат ёзиб, кандай бўлмасин Султон Саъидни Кўконга олиб келишни, акс холда тахт бегоналарга ўтиб кетишини маълум килганлар. Шу билан элчилар оркаларига кайтишган. Бухорога себзорлик эшон Хакимхужа козикалон бошчилигида хар дахадан тўрт оксокол юборилган эди. Тошкентликларнинг сўрови хон саройида мухокама этилганда бир гурух кишилар балавд овоз билан: «Эвди бизларга хам жиход ва газот килиш фарздир», дейишган. Амир Музаффар хам Тошкентга хамдардлик изхор этиб, мактублар билан элчиларнинг кайтишларига рухсат берган. Аммо амир Музаффар элчшгарга Жиззах оркали кетишни буюриб, унинг хокими эронлик Ёкуб номига хам хат езиб юборган. Элчилар бу ерга келишгавда сухбат вактида хоким дебди: «Султон Саъидхон Тошкентда камалда турган эканлар, сизлар сог-саломат етиб борганларингиздан кейин айтингларки, у амир Музаффари олийларига кўриниш берсинлар ва зиёратни бажо келтирсинлар. Шундай килинса, хукмдорлик коидаларига риоя килиниб иттифоклик, хамкорлик ва дўстликни юзага келишига бахона бўлади».

Музаффархоннинг жавоб хати хам худди шу мазмунда эди. Хуллас, Бухоро амири биринчи галда Султон Саъидхоннинг бўйсуниши ва шундан кейингина ёрдам бериши мумкинлигини билдирди. Бу аслида Тошкентнинг Бухоро амирлиги таркибига кириши деган сўз эди. Шу боис мазкур масала шахарнинг нуфузли кишилари, жумладан, «Тарихи жадвдайи Тошкавд» асари муаллифи катнашувида мухокамага кўйилди. «Бу кенгашда, — деб ёзади Мухаммад Солих Тошкандий,— Кўконнинг баъзи бетамиз акобирлари хамда шайтон, маккор кишилари Отабек шарбатдорнинг Султон Саъидхонни Бухоро амири хузурига юбориш хакидаги сўзини кувватладилар».

Мухаммад Солих Тошкандий сўзламокчи бўлиб турганда Мухаммад Солих додхох унга, кўнглингизга келган гапни ошкора гапираверинг, деган. «Шундан кейин, — деб ёзади Мухаммад Солих Тошкандий, — Султон Саъидхонга савол бердим: «Шахзода, сиз кимнинг фарзандисиз?» — Жавоб бердиларким: «Шахид Маллахоннинг арзанда ва азиз ўглиман». Мен дедим: «Отасига хам, ўглига хам рахмат, бириси адолат ногорасини чалди, иккинчиси эса, газот ва жиход йўлида хизмат кўрсатиб ва яхши ном чикариб ўзга хукмдорларни хайратга солди. Шахзода бамисоли хонлик хазинасидаги жавхардир, уни бекордан-бекорга кўлдан бой бермаслик лозим. Аксинча, бу кишини этагидан ушлаш бурчимиздир. Хали кўлга кирмаган насияга ишониб кўлдаги накдни бериш ярамайди.

Давлатнинг тузини ичган хар бир амалдор ва саркарда унинг гамини емай, хизмат килмай ва ўз вазифасини адо этмай хар томонга караб кочса, фукаролар душманнинг асирига айланиши турган гапдир».

Бу сўзларнинг тагида, агар Султон Саъидхон Бухорога кетса, у вактда халк олдидаги масъулиятини ва бурчини бажармай катта хатога йўл кўяди хамда фукароларни Рус давлати тобесига айлантиради, деган даъво етибди, албатта.
Кенгашда Мухаммад Солих Тошкандий фикрини кувватловчилар хам бўлиб, улар шундай дейишган: кўлдаги нарсани хавойи гапга ишониб бериш ва йўк нарсага умид боглаш аклсизликдан, нодонликдан ва кейинги пушаймонликдан иборатдир. Биз хар томонга элчилар юбориб ёрдам сўрадик, энди ёрдам берсинлар ёки бермасинлар, барибир, уруш харажатларини Тошкент ахли ўз бўйнига олиб, нимаики зарур бўлса, етказиб берилади. Шу онда Отабек шарбатдор шайхонтахурлик Мулла Миржалил Гулмирза оксокол углини Бухорога элчи сифатида юборишни таклиф килди. Бунга карши ўларок Мухаммад Солих Тошкандий: — Яхшиси, биздан ярим чакирим масофадаги генерал Черняев хузурига аклли ва тадбиркор элчини юбориб, урушнинг тўхтатилишини ва унинт Чимкентга кайтишини таклиф этайлик, деган. У бу режа амалга ошса, харбий тайергарлик кўриш учун вактдан ютиш мумкин бўлишини баён килган. Кенгашдагиларга бу таклиф маъкул бўлиб турганда бир гурух «худбин ва жохиллар: — Бизлар русларга бош эгиб хеч вакт элчи юбормаймиз, — деб ўринларидан туриб кетишган. Шунда Султон Саъидхон Мухаммад Солих Тошкандийга шойи тўн кийгизиб: «Эшон домламиз хозиржавоб ва хамма бобдурлар», — деб мактаган.

Кўп ўтмай Бухородан Искандар отлик бир амалдор олти нафар киши билан келиб Султон Саъидхонга амир Музаффар мактубини топширган. Бу мактуб мазмуни Султон Саъидхон ва шахарнинг нуфузли кишилари катнашган кенгашда мухокама этилади. Унда Султон Саъидхонни Бухорога таклиф килишдан максад камалдаги тошкентликларга ва атроф-жойлардагиларга дўстона ёрдам бериш эканлиги ёзилган экан.

Султон Саъидхон мактубни кўлга олиб йигин катнашчиларига дебди: «Эй, камалдаги фукаролар, дин йўлида девор остида етган кишилар, душман укига кўкрагини тутиб турганлар, чанг-тўзонда колганлар, жонларини аямай душман найзаси ва укига калкон бўлганлар, кандай маслахат берасизлар?» Кенгашдагилар якдиллик билан: «Бизга хозир нихоятда огир дамларда ёрдам бериш ўрнига сардорларимизни олиб кетишадиларми, ахир. Биз рахбарсиз коламиз-ку, бошимизни олса олсинларки, лекин хукмдоримизни бермаймиз», — деб жахл ва норозилик билан таркаб кетганлар. Шундан кейин нуфузли кишилардан бир гурухи келиб Султон Саъидхонни Бухорога жўнатишга карор килдилар. Бундан хабар топган Мухаммад Солих Тошкандий дархол келиб норозилик билдирганда, Бухоро амирининг тарафдорлари «Султон Саъидхон Бухорога бормагунча ёрдам бўлмайди, амир хазратлари эса бу ерга кадам босмайдилар», — деб жавоб берганлар.

Шунда Мухаммад Солих Тошкандий кўнглида ёрдам кўлини чўзиш ниятидаги одам шарт кўймай келаверади, амирнинг эса Рус давлати билан тили бир, деб гапирган. Сўнгра у очикдан-очик: «Давлат тузини ичган амалдорлар ва сардорлар кочсалар, калъани тупрогини ялаб ётган фукаролар, гариблар, бева-бечораларнинг кўллари киёматгача уларни ёкасига ёпишиб, маломат ва таъна остида коладилар», деб чикиб кетган.

Хуллас, Султон Саъидхон 1865 йил 9 июнда, эрта тонгда Мирхамид Мирхалим ўгли бошчилигида 500 аскар ва бир тўп билан Бухорога йўл олди. Бу вактда душман тўпларининг овози эшитилиб турмокда эди. Султон Саъидхон кетмасдан бир неча кун илгари рус харбий саркардалари бўлажак хал килувчи жангга пухта тайергарлик кўрдилар. Улар «Туркистон заминига, хусусан, Фаргона, Самарканд, Бухоро ва бошка жойларга жосуслар юбориб, маълумот тўпладилар ва кўп нарсаларни билиб олдилар».

Айни замонда Тошкентдан Бухорога элчилар юборилганидан хабар топган Черняев амирнинг харбий юриш килиши эхтимолдан холи эмас, деб унинг йулини тўсиш учун 1865 йил 17 майда Зангиота оркали бориб, Сирдарё киргогидаги Чиноз калъасини эгаллади. Бу ерда 4 чўян замбарак ва бошка ярог-аслахаларни ўлжа олди. Шундан кейин у ўз аскарлари билан Тошкент остонасида коддирилган подполковник Краевский бошлик харбий кисмга келиб кўшилди. Руслар вакти-вакти билан шахарни тўплардан ўкка тутиб турдилар. Чунончи, бир кисм солдатлар шайх Шиблий ариги атрофидаги Азизберди оксоколга тегишли жойга ўрнашиб, тўплардан калъани ўк емгирлари остига олди. Буларга карши шахар дарвозалари тепасига ўрнатилган тўплардан жавоб ўклари отилди. Улар шу даражада мўлжалга аник отилдики, душман чекинишга мажбур бўлди. Бу муваффакият учун Султон Саъидхон ўзини кўрсатган хар бир тўпчини 100 тангадан пул, биттадан тўн ва кўй билан такдирлаган эди. Аммо хали каттик жанглар ва талофатлар олдинда эди. Мана шундай хавф-хатарда Мулла Олимкулнинг ўлими ва Султон Саъидхоннинг шахарни ташлаб кетиши ватан химоячиларини сардорсиз хамда лашкарбошисиз колдирди. Бунинг устига Бухоро, Кўкон ва Хивадан хеч кандай ердам келмади. Айникса, Бухоро хонлигининг тутган сиёсати душманга карши курашга бекиес катта зиён келтирди. «Тошкентдан, — деб ёзади Мулла Олим Махдумхожи, — одам ва ариза юбордилар. Амири Бухоро буларга гўёки ёрдам ва иноят тарикасида Искандарбек саркардани беш-ўн узун чопон одам ила Тошкентга юборгандан бошка фойдалари бўлмади. Лекин ёрдам бермок умидида Тошкент шахрида Хўканд хокими бўлиб турган хонзодани (Султон Саъидни) бир неча саркардалар илан Бухорога олдириб кетмок бўддилар. Муддаолари ёрдам бермок ўрнига Хўканд тахтини тасарруфига олиб, ўзларига тобе одамни хон килмок эканлар. Бу муддаони жойига келтурмок учун тошкентликларга канча ваъда ваидлар айлаб, Фаргона ўлкасига мустакил хон маснадида баркарор бўлиб турган ёш хонзода Султон Саъидхонни бир неча улуглар билан Бухорога олдуриб кетдилар».

Бухоро хони Музаффархоннинг ўта калтафахмлиги ва нодонлиги оркасида «Тошкент мамлакати бехоким ва эгасиз колди. Алкисса, мусулмонлар бесаранжом бўлиб бошсиз колдилар. Хар бир фирка ўз холича эди. Бунга кўшимча, Тошкент фукароси колдирилган бир неча минг хукандлик сарбозларни навбат билан бокардилар».

Камалда ва хаёти кил устида турган Тошкентга Кўкон хонлиги томонидан хар жихатдан ёрдамнинг тобора кучайтириб берилиши хам фарз, хам карз эди. Аммо у ерда юзага келган вазият бунга йўл бермади. Хонликнинг юкори табака вакиллари тахт учун курашга муккасидан тушиб ўзлари билан ўзлари ўралашиб колдилар. Аваз Мухаммад Аттор Хўкандийнинг берган маълумотига кура, 1865 йилнинг 31 майида кипчок ва киргизларнинг сардорлари Сирдарё буйидаги Сарой деган кишлокда шахзода Шодибекни хон тахтига ўтказишга карор килишиб Кўконга боришади. У ерда улар

Бекмухаммад кипчокни мингбоши лавозимига ўтказиб, хокимиятни кўлга оладилар. Аммо Бухоро амири Музаффар ўзининг вассали сифатида Худоёрхонни Кўкон тахтига ўтказиш учун харбий юришга тайергарлик кўрарди. Шу боис Кўкон хонлигида ўзаро зиддият ва урушлар кизиб, вазият нихоятда огирлашди.

Окибатда камалдаги Тошкентнинг такдири Бухорода хам, Кўконда хам хукмдорларни ташвишга солмади. Тошкент ахли ўз холига ташлаб кўйилган бўлса-да, лекин душманга карши жангга шайланиб турди. Рус манбаларининг кўрсатишича, бевосита шахар мудофаасида турганларнинг сони 30 минг кишига борган. Аммо шахарда айрим кишилар ва гурухлар умидсизланиб кочаётганлигини хам кўриш мумкин эди. Масалан, Усмон Али ва Ниёз Али понсодбоши кочаётганларида Мухаммад Солих Тошкандий уларга милтик ўкталиб тўхтатган.

Черняев шахарни кай тарзда босиб олиш хусусида сафдошлари билан харбий кенгаш ўтказди. Бунда подполковник Абрамов шахар деворини тешиб, игу ердан хужум килишни таклиф этди. Черняев агар бундай килинса, у вактда душман барча кучини бир ерга тўплаб хужумни кайтариши мумкинлигини айтди. Унинг фикрича, душман ўйламаган жойдан тўсатдан шахарга бостириб кириш галабани таъминлайди. Кўп ўтмай бундай имконият топилди. Чунончи, поручик Макаровнинг бир ўзи девор ташкарисидаги боглар ва чакалакзорлар орасидан бориб Камолон дарвозасининг деворини ва унинг атрофидаги зовурни текширди. Хатто у ердаги деворда осонлик билан ўтиш мумкин бўлган тор жой борлигини аниклади. Шундан кейин генерал Черняев шахарга Камолон дарвозаси тарафидан бостириб киришни режалаштирди. Дархол деворга чикиш учун нарвонлар ясашга киришилди, нарвонлардан фойдаланиш буйича машклар ўтказилди. Черняев харбий кучларни Кўкон дарвозаси томонида у ёкдан-бу ёкка кўчириб ва шахарни тўплардан ўкка тутиб, ватан химоячиларини чалгитиб турди. Сўнгра полковник Краевский бошчилигидаги харбий кисмни (3 рота ва 4 тўп билан) Кўкон дарвозаси томонида колдирди ва шахарни тўплардан ўкка тутиб туришни буюрди. Айни бир вактда — 14 июндан 15 июнга ўтар кечаси полковник Абрамов, подполковник Жемчужниковлар кумондонлигидаги 7 рота ва 8 замбаракдан ташкил топган аскарлар аста-секин боглар орасидан Камолон дарвозаси томонига юрди. Овоз чикармаслик учун замбаракларнинг гилдиракларига шолчалар ўралди. Бу дамларда Кўкон дарвозаси тарафидан Краевский ватан химоячилари диккатини чалгитиб турди. Бу хийла ўз натижасини берди.
15 июн эрта тонгда рус аскарлари тўсатдан Камолон дарвозаси деворидан ичкарига бостириб киришлари биланок гафлатда колган сокчилар кочиб колдилар. Мухаммад Тошкандийнинг кўрсатишича, Киёт махаллалик Корабадал ва Жонтой деган кимсалар биринчи бўлиб кочганлар. Саросимага тушган тўп бопглиги хиндубачча, коратегинлик мерганлар ва бошкалар хам кочганлар. Шу онда пайдо бўлган муаррихнинг сўзига караганда, руслар даставвал деворнинг бир киши ўтадиган тор жойидан кириб олишган. Сўнгра Камолон дарвозаси ва деворининг устига чикишиб, у ердаги тўпни ерга улоктириб ташлаганлар хамда Мухаммад Солих Тошкандий ва унинг атрофидаги кишиларга карата милтиклардан ўк отганлар. Шу пайтда Мулла Исматилла деган бир киши кўлтигидан тўрт бўлак тошни чикариб: «Биз хам чимкентликларга ўхшаб гунохкор бўлиб, харом улайликми? Яхшиси, бу заминда гозий еки шахид сифатида ўлганимиз афзал», — деб бакирган. Бу оддий халкнинг ўз Ватанига содиклигини ифодаловчи далиллардан биридир, албатта.

Камолон дарвозасидан рус аскарлари кириши биланок Абрамов 250 аскар билан девор ёнидан унг томонга кетган кўча бўйлаб боради. Йўлда унга карши 200 сарбоз 4 замбарак билан хужум килади. Аммо душман голиб келиб замбараклар жарга ташланади. Бундан кейин хам Абрамов аскарлари уч жойда ватан химоячиларининг каршилигини бартараф килиб, бир неча тўпни ўз жойларидан агдариб ташлайдилар. Афтидан, Черняев шахарни ички тарафидан заифлаштиришни ва саросимага солишни мўлжаллаган. Абрамов ўз аскарлари билан тўгри Корасарой дарвозасига караб юрган. У бу ердан бозор (Эски Жўва) томонга йўлни давом эттириб, дуч келган баррикадалардаги ватан химоячиларини тор-мор келтирган. Абрамов бозорга якинлашганда унга кирадиган икки кўчадаги сарбозлар ногора чалиб ва «Ё, Оллох», дейишиб уларга хужум килганлар. Душман устун келиб, кўп одамларни ўлдириб, Кўкон дарвозаси томон йўл олган. Бу вокеалар рўй бераётганда Черняев бутун шахарни ўкка тутиб туради. У Абрамов оркасидан майор Делакрани 2 рота ва бир тўп, подполковник Жемчужниковни 2 рота аскар ва 2 замбарак билан жунатган. Мазкур харбий кисмлар ўз йўлида аравалардан, ходалардан ва бошка нарсалардан ташкил этилган баррикадалардаги ватан химоячилари билан жанг киладилар. Улар таркок холдаги шахар химоячиларига бирин-кетин зарба бериб, кўчаларни тўсиклардан тозалайдилар. Шахар ичида юз берайтган жанглар вактида Кўкон дарвозаси томонида хам ўруш кетаётган эди. Бу ерда девор ташкарисида полковник Краевскийнинг 3 рота ва 4 замбаракдан иборат аскарларига карши 5 минг кишилик ватан химоячилари хужум киладилар. Каттик жанглардан кейин ватан химоячилари шахар ичига чекинаетганда улардан анча одамлар ва отлар Анхор сувига чўкиб халок бўлади. Подполковник Абрамов, майор Делакра ва подполковник Жемчужников аскарлари шахардан келиб калъани босиб олиб, Кукон дарвозасини очадилар. Шундан кейин Краевскийнинг харбий кисми шахар ичига киради. Гарчанд Кўкон дарвозасини Жемчужников харбий кисми эгаллаган бўлсада, ватан химоячилари унга ўт кўйиб юборганлиги оркасида чикиб кетишга мажбур бўладилар. Кейинги жанглар Анхор (Урда кўприги) атрофида давом этди. Муаррихнинг гувохлик беришича, рус аскарлари баланд товуш билан «ур-ра», деб тўрт томонга милтик отишиб, йўлларида учраган одамни олдидан ва оркадан отиб кетаверганлар. Мулла Мухаммад Юсуф деган кишининг таклифи билан катта кўчанинг олд томонини аравалар билан тўсишга киришилади. Бу пайтда Мухаммад Тошкандийнинг дўстлари — Абдулраззокнинг огзига, эшон Хожихоннинг томогига душман ўки тегиб халок бўладилар. Муаррих гозийлар ва сарбозлар билан Анхор кўпригининг гарб томонини аравалар билан тўсиб баррикадалар бунёд этишга бошчилик килади. Бу вактда кўприкнинг хар икки томонида дўконлар бор эди. Бир вакт «ўруслар икки томондан кичкиришиб ва «ур-ра» дейишиб, бирданига милтиклардан отавердилар. Юракли, дадил гозийлар кўркмасдан Домулла Фозил охунга карашли дўконларнинг иккинчи томонига ва масжидга ўрнашиб, милтик отиш учун дўконларнинг деворларини тешиб, жангга тайёр турдилар. Уруслар то тўпларини жойлаштиргунга кадар дўкон ичидан уларга карши ўклар отавердилар. Натижада ўруслар тўпларини отолмай йикилавердилар. Пировардида, тўплардан шунчалик кўп ўклар отилдики, дўконларнинг деворлари илматешик бўлиб кетди. Бир ярим соатлик жангдан кейин ўруслар ўзларини Ўрда дарвозаси тарафига тортдилар».

Шу пайтда дин пешволарининг вакиллари гозийларни жангга отлантиришда жонбозлик килдилар. Масалан, шайх Абу Халим Урда тўгонининг устига чикиб кўлидаги таёгини

ерга уриб ва ўруслар томонига ўкталиб, «Кофирларни ўлдиринглар», деб кичкириб, Кўкон дарвозаси томонига югурган. Душманнинг унга милтик ўкталишига карамай тикка туриб олган ва каттик жарохатланган. Шу холда у киши «икки кўзларидан ёш окизиб ва кулимсираб хамда такбир, саловат ўкиб, гозийлар ва мужохидларга: «Мени кўйиб, душманларни ўлдиринглар», деган.
Ватан химоячиларининг каттик каршилиги туфайли душман Кўкон дарвозасини ташлаб чикиб, шайх Шиблий аригидан ўтган. Сўнгра улар Сўлтон Саъидхоннинг Давлатбой ўрикзоридаги чодирларидан асбоб-анжомлар олганлар. Бу чогда ватан химоячилари Кўкон дарвозасини ва унинг атрофидаги дўконлар ичидаги колган нарсаларни олишган ва Шайхонтахурга келтирганлар. Шундай килиб, душман Кўкон дарвозасидан суриб чикарилди. Бу вактда рус харбий кисмлари шахарнинг икки жойида, хусусан Камолон дарвозасида ва Давлатбой ўрикзорида тўпланган эди.
Шахарнинг ички ва ташки томонларида олиб борилган жанглар оркасида кўрилган катта талофатлар хамда хеч каердан ёрдам келмаслиги, огир иктисодий ахвол, сувсизлик ватан химоячиларининг тинкасини куритиб борди. Айникса, айрим сардорларнинг ўз аскарлари билан кетиб колганликлари умидсизликни кучайтириб юборди. Хусусан, Солих Тўра ва Арслон Тўра Бухорога кетишга ахд килдилар, кўконлик сардорлар ва сарбозлар эса ўз юртларига отландилар. Бу хам камдек, шахардаги бир гурух «куркок, мунофик ва фитначи» нуфузли кишилар хам бола-чакалари билан шахар дарвозаларидан чикиб кетдилар.

Рус аскарлари Кўкон дарвозасидан чикиб катта кўча билан Имом Хасанхон ва Саъид Махмудхон ўгли Юсуфхон масжидлари ичига ўрнашди. Улар бу ердан тўплардан хар томонга ўк отиб турдилар. Окибатда махаллаларда ёнгин чикиб, одамлар бошка жойларга кетишга мажбур бўлди. Анхор суви атрофидаги дўконларга хам душман томонидан ўт кўйилган эди. Бу ердаги ёнгин ўчирилгандан кейин олтита рус ва татар ўликлари топилган.

Махаллий ва рус манбаларида шахар мудофаасини бевосита ким бошкарганлиги хакида аник маълумотлар учрамайди. Мухаммад Солих Тошкандийнинг сўзича, бу ишда кўпрок мударрис Мухаммад Солих додхох катта ўрин тутган. Бу табаррук зот хонлик вактларида хам Тошкентнинг сиёсий хаётида етакчилик килган.

Мухаммад Солих додхох Чукуркўприкда себзорлик кози эшон Махдумхўжа, Синчикли махаллалик эшон Валининг ўгли Сиддик Махдум, Кукча дарвозасидан Ражаб Мухаммад аълам, Самарканд дарвозасидан Козокбий авлоди ва Бадал Мухаммад, Мухаммад Солих Тошкандий ва бошка нуфузли кишилар катнашувида кенгаш ўтказиб, мухим чоралар амалга оширилди. Хусусан кўчаларнинг огзи аравалар, ходалар ва бошка нарсалар билан тўсилиб, баррикадалар курилди хамда ватан химоячилари масжидлар ичига ўрнашиб олган рус аскарларига карши бирданига хужум килдилар. Улардан кўп кишилар душман ўкидан халок бўлди. Аммо галабага эришилиб, курол-аслахалар ўлжа олинди. Шу онда Кўкон дарвозаси томондан, деворнинг пасткам жойидан рус аскарларининг келаёттанлиги хакида хабар олинди. «Уларга карши, — деб ёзганди муаррих, — Тошкентда истикомат килувчи кўконлик Абдурахим ясовулбоши дархол ўспирин йигитларни хамда шахарнинг юракли, дадил гозийларини ва мужохидларини бир ерга туплашни буюрди. Уларнинг орасида Мир Юсуф Мирсултон богбон угли, Умархон

Тўрахон ўгли, Нормухаммад ва Мулла Алишер Мухаммад Хусайн мерган ўгиллари, Муллажон Мусо Мухаммад Алибобо подачи ўгли, Мусо Мухаммад понсодбоши Серкабой угли, Розикбой ва бошка киетликлар бор эди. Улар мохир мерганлар сифатида ном чикарган кишилар хисобланиб, Жарбошидаги ховлиларга ўрнашиб олиб девор тешикларидан душманга карши ўк отдилар». Натижада рус аскарлари деворнинг пасткам жойидан шахарга кира олмасдан тўплардан шу даражада ўк егдирдиларки, хамма ёкни тутун ва чанг-тўзон босиб кетди. Улар бу холдан фойдаланиб, аравалари ва туялари билан мудофаани ериб ўтмокчи бўлдилар, лекин мерганлар бунга йўл бермадилар. Ёмгир ёгишига карамай ўша ердаги жанг икки кун давом этиб, охири душман ўз максадига эриша олмай Камолон дарвозасига караб кетиб, Хожа Алам-бардор атрофида турган рус аскарларига бориб кўшилдилар.

Бир рус манбасида шахар ичидаги урушларнинг бири шундай изохланган: «Баррикадалар барча кўчаларда ва чоррахаларда юзага келди. Энг каттик каршилик Ўрдадан бозорга бориладиган кўчада кўрсатилди. Артиллерия бошлиги Иванов бошчилигидаги 50 аскар ўша кўчада замбараклардан ўкка туталди. У биринчи учраган баррикадага найза билан хужум килиб тугши кўлга киритди. Аммо Иванов баррикадани олиб ташлаётган-да унга карши иккинчи баррикададан тўплардан ва хонадонлардан ўклар отилди. Шундан кейин баррикадани иккинчи маротаба ишгол этишга тўгри келди. Кўкон дарвозасидан ўша кўчага бир чакирим масофага келтирилган замбараклардан кечаси билан ўклар отилди».

Шундан кейин ватан химоячилари Камолон дарвозасида ва атрофжойларда, Ўрдада жангларда халок бўлиб, кўчаларда етган шахарликлар жасадини кўмиш билан шугулландилар. Улар орасида Мухаммад Солих Тошкандийнинг шогирдлари хам бор эди. Рахмат ариги бўйидаги пастликда «икки наманганлик навкарнинг икки рус аскарига ёпишиб, тўрт ўлик гуёки икки ўлик бўлиб етганлиги» яккама-якка жанг бўлганидан далолат берарди. Султон Саъидхоннинг собик кароргохида хам гозийларнинг жасадлари калашиб етарди.

Хуллас, рус аскарлари шахар ичига бостириб кирганларида Ўрдада ва унинг ташки томонларида жуда кўп одамлар шахид бўлдилар, лекин уларнинг аник сони хакидаги маълумотларга эга эмасмиз.
Гарчанд шахарда нихоятда мушкул ва огир вазият вужудга келиб, саросима ва вахимага тушиш кўзга ташланган бўлса-да, душманга карши курашни давом эттириш тарафдорлари оз эмас эди. Хатто айрим юкори табака вакиллари Ватан мустакиллиги учун хеч нарсасини аямагандилар. Масалан, яккабозорлик Косимбой деган киши бир хуржун кумуш танга келтириб, халойикка: «Кимки уруш ва газотни давом эттирса, бир ховучдан танга бераман», — деб ташвикот юргизган. Одамлар бу тангаларни олиб Ўрдадаги рус аскарларига карши жангга киришганлар.
Шу пайтда бирин-кетин бир гурух рус аскарлари «Урушни тўхтатинглар, себзорликлар, бешогочликлар ярашиш сулхини туздилар», — дейишиб, ватан химоячиларини тиинчликка чакирганлар. Аммо Ўрда атрофидаги гозийлар бу хийла-найранг бўлса керак, дейишиб, уларни ўкка тутганлар.

Бир вакт рус аскарларининг бир кисми Камолон дарвозаси томонидан келиб Бешогоч

дарвозаси оркали шахарга кирганлиги хакида хабар олинади. Ўрдадаги гозийлар дархол у томонга боришиб, душман билан жанг килиб, кейин икки томон хам ўз жойларига кайтган. Шундан кейин хам калъа деворининг пасткам жойларидан руслар себзорликлар билан бешогочликлар урушни тухтатганликлари ва сулх тузганлиги тўгрисида бакириб гапирганлар. Бу вактда урушни давом эттириш тарафдорлари Мухаммад Солих Тошкандий ва бошкалар бошчилигида жангга шайланиб турардилар. Аммо русларнинг сулх тузилганлиги хакидаги хабарини аниклаш учун Косимбойваччани Мухаммад Солих додхох хузурига жўнатадилар. Дархакикат, шахарнинг юкори табакалари орасида тинчлик сулхи тузиш ва бўйсуниш тарафдорлари кўпаймокда эди. Аммо Мухаммад Солих додхох кенгаш чакириб, жангни бир томчи кон колгунча давом эттиришга даъват килди. У жамоа ахли хузурида шундай деган: «Дин учун жонбозлик кўрсатиб курашаётганлар харом билан пок ўлимнинг фаркини яхши англайдилар. Кофирлар канчалик хийла-найранглар килиб ярашиш хусусида ваъдалар бермасинлар, барибир, гозийлар жанг килишга тайёрдирлар. Буни халойикка тушунтириш чинакам уламоларнинг бурчидир». Мухаммад Солих додхохнинг бу сўзлари ватан химоячиларини рухлантирди. Улар йигиндан чикишлари биланок душманга карши хужум килдилар. Натижада «бир канча кишилар халок бўлдилар ёки жарохатландилар».

Гапнинг сирасини айтганда, Тошкент ахли кўлидан келганича ва имкони борича мустакилликни саклаш учун курашди. Рус аскарлари бостириб кирганда хам «Тошкент фукароси икки кечаю кундуз кофирлар билан урушиб, уларни Масжиди баланд хонакосига камадилар. Бир кеча-кундуз ахли ислом уларни мухосара килиб, хонакох атрофини ёкмокчи бўлдилар. Кофирлар бундан хабар топиб, Эски Ўрдага ўтдилар ва шу йўлда бир неча махаллаларни ёндириб юбордилар. Шахарга шўришу гавго тушди...»

Черняев эса ярашиш сулхини тузиш ва урушни тўхтатиш йўлларини тинимсиз излади. Чунки унинг харбий кучи шу даражада катта талофатга учраб заифлашган эдики, агар четдан харбий ёрдам келганда уларнинг тор-мор килиниши аник эди. Шунинг учун хам шахарнинг илгор ва билимдон кишилари ташки ёрдамга кўз тиккан холда урушни давом эттиришга каттик бел боглаган эдилар. «Улар, — деб таъкидлайди муаррих, — урушни хозиргидек давом эттирсак, шоёдким, Хоразм, Бухоро, Фаргона ва Тошкент вилоятига тегишли атроф-жойлардан ёрдам келиб колса», — дейишиб, умидларини узмадилар.

Шахардаги уруш тарафдорлари Мухаммад Солих додхохдан маслахат олиб иш юритишга карор килдилар. Бу табаррук зот йигинда шундай деган: «Тошкентликлар очликка, сувсизликка, ташналикка хамда Халокатга ва талофатларга карамай урушни давом эттириб, шахарни ўз кўлларида саклаб турибдилар. Хозирда гозийлар, етим-есирлар, очлар ва ташналар номидан ёрдам сўраб Кировчи калъасидан тортиб Курама, Чиноз, Хўжанд, Жиззах, Самарканд, Бухоро, Кўкон ва Фаргона ерларига хатлар юбориш зарур». Бу таклиф дархол маъкулланиб кўрсатилган жойларнинг хукмдорлари номига хат тайерлаш мунший Мирза Юнусхон Мулла Бобожон ўглига топширилди. Шу равишда-50 дан ортик хатлар тайерланган эди. Уларда ёрдам сўрашдан булак нималар дейилгани номаълум. Аммо ўша йигинда шундай бир огир вазиятда кофирларга карши курашга ёрдам бермаслик айбдорлар шаънига киёматгача таъна, нафрат ва лаънатлар айтилиши хамда тарихларга ёзилиб, авлодлар томонидан каттик кораланиши хакида фикрлар баен этилган.

Кўп ўтмай ватан химоячиларининг умидини пучга чикарадиган вокеа юз берди. Руслар Ўрда ичидаги порох ва курол-аслаха сакланадиган махфий омборни айрим хоинлар ёрдамида аниклаб, 50 га якин катта замбарак ўки ва бошка портловчи моддалар воситасида остин-устин килиб ташлаганлар. Портлаш шу даражада дахшатли ва вахимали бўлганки, «бамисоли киемат-койим» юз берган. Шу тарика, ватан химоячилари ярог-аслахадан хам махрум бўлдилар. Бунинг устига Камолон дарвозасидан бостириб кирган душман кучлари тўпларини Шайхонтахур, Бешогоч ва бошка дахаларга кўйиб, таслим бўлинмаса, шахарни остин-устин килиб ташлашларини маълум килган.

Хуллас, четдан ёрдам келмаслиги, ярог-аслаха омборининг портлатилиши, очлик, сувсизлик, бош сардорсизлик хамда кўрилган катта талофатлар ва бир гурух кишиларнинг хоинлиги — хаммаси бир бўлиб, пировардида, душманнинг галаба килишига олиб келди. Аммо кўрсатилган сабабларга карамай, шахар халки ўз она юртининг мустакиллигини саклаш учун нимаики зарур бўлса, шуни бажонидил бажарди. Жангларда шахар конга беланди, ўт ичида ёнди.
Рус аскарлари 16 байрок, 48 мис ва 16 чўян замбараклар ва бошка ярог-аслахаларни ўлжа олдилар. Улардан жангларда 25 киши ўлдиридди, 118 киши жарохатланди. Шубхасиз, бу ерда халок бўлганлар сони камайтирилиб кўрсатилган, чунки олдинги сахифаларда шархланган жангларда душман тарафида хам куп кишиларнинг халок бўлганлари турган гап. Буни махаллий манбалардаги маълумотлар хам тасдиклайди.

## АХДНОМА ТУЗИЛИШИ ВА «ТОШКЕНТ ХОНЛИГИ» ХУСУСИДА

Икки томондан отишмалар тўхтатилгандан кейин шахар катталари Мухаммад Солих додхох бошчилигида генерал Черняев ва аскарлари жойлашган Камолон дарвозаси томонидаги Хожа Аламбардор деган жойга тўпланишди. Улар орасида Эшони бузург Хужа Козининг ўгли Ахмадхўжа муфти ва бошка нуфузли одамлар хам бор эди. Бу кишилар Мухаммад додхохга: «Ноиттифоклик бизни бу ахволга солиб кўйди», — деб гапирганлар. Кўп ўтмай келган генерал Черняев «аввало Хакимхўжа козикалондан бошлаб Абулкосимхон эшон, Мухаммад Солих додхох ва бошка уламо, фузало, акобир, савдогарлар ва сардорлар билан бирма-бир, алохида кўл бериб кўришиб, хол-ахвол сўрашиб, бир-бирларининг исмларини айтиб, сўнгра ваъда-ахду паймонни ва ярашишни ўртага кўйди».

Бу йигинда катнашган Мухаммад Солих Тошкандий вокеанинг жонли гувохи сифатида кимматли маълумотларни ёзиб колдирган. Буларга кўра, ахднома беш нусхада тузилиб, бири генерал Черняевга топширилган, колган тўрттаси Шайхонтахур, Бешогоч, Кўкча ва Себзор дахалари вакилларига топширилган. Ахднома нусхаларига шахарнинг атокли кишиларининг мухрлари босилиб, имзо чекдилар. Шунингдек, генерал Черняев хам ўз имзосини кўйди. Шу аснода Мухаммад Солих додхох Черняевнинг имзоси мухрсиз кўйилганлигига эътиборни жалб килиб: «Мухр босилмаган ахднома хакикий хисобланмайди», — деган. Аммо генерал Черняев мухрсиз имзо чекиш Россияда расм

бўлиб, конуний хисобланишини айтган. Мухаммад Солих Тошкандий ўрнидан туриб ўтган замонларда хам васикалар ва ахдномалар мухрсиз имзо чекилганлигини маълум килган. Шундан кейин Мухаммад Солих додхох индамай адаши Мухаммад Солих Тошкандийни уз хузурига чакириб: «Бу ахдномани бошдан-оёк укиб беринг», — деган. У буни эшитгандан кейин: «Ахдномани зехн ва диккат билан ўкиб хотирангизда саклангким, биз дунёдан ўтгандан кейин балким сизларга керак бўлиб колиши мумкин», — деб гапирган.

Ахднома мазмуни куйидагилардан иборат бўлган: «Ок подшо ва унинг вакили генерал Искандар Черняевнинг фармони бўйича Тошкент ахолисига шуни маълум киламизки, улар Оллох таолонинг хохиш-иродасига мувофик Мухаммад пайгамбар динини каттик ушлаб, шариат конунларидан бир карич хам оркага чекинмасинлар. Уларнинг барчаси шу ўлканинг фойдаси ва манфаатлари учун харакат килсинлар. Беш вакт намозни ўз вактида адо этсинлар, муллалар доимо мактабларга боришиб, Мухаммад пайгамбар динини таргибот килсинлар. Ўкувчиларнинг бирор соати хам бекорга кетмасин, муллалар болаларни мактабларга жалб килиб бекорчиликка йўл кўймасинлар. Керак бўлса, каттик чоралар кўриб болаларни мактабларда ўкишга мажбур этилсин. Борди-ю, ота-оналар болаларнинг ўкишларига ахамият бермасалар, у вактда раис ёки козикалон хузурига чакиртирилиб шариат асосида каттик жазолансинлар. Бу диёрнинг ахолиси вактларини бехудага ўтказмай ўз ишлари билан шугуллансинлар, савдогарлар эса савдо-сотикни давом эттирсинлар.
Ислом дини бўзани ва арокни ичишни, бемаъни ўйинлар билан шугулланишни ёки ахлоксиз бўлишликни ман этади. Шу боис шариатга зид хар кандай янгиликлардан сакланиш лозим.
Тошкентдаги барча бой ва камбагал табакалар юкорида шархланганларни сўзсиз бажаришлари шартдир. Шахардаги уйлар, боглар, яйловлар, сув тегирмонлари ўз эгалари ихтибрида колдирилади.

Рус солдатлари ахолидан хеч нарса олмайдилар. Туб ахолидан аскарлик хизматга кишилар олинмайди. Харбий кишилар бирорта хонадонга кўйилмайди, борди-ю бундай хол юз берса, дархол хабар берилсин, айбдорлар жазоланади. Ок подшох бизга катта гамхўрлик кўрсатди, шунинг учун биз унинг соглигини худодан сўраб дуо килишимиз керак.
Агар бирор юшса бир кишини ўлдирса ёки савдогарлар молини таласа, у вактда айбдорлар рус конунлари асосида жавобгарликка тортилади. Агар бир одам ўзини ўзи ўлдирса, у вактда унинг мол-мулки меросхурига берилади ва хеч нарса олинмайди. Мен, губернатор Искандар Черняев, сизларни бу йилги соликлардан озод киламан, кейингиси Буюк Ок подшохимиз хохишлари бўйича белгиланади. Уйлайманки, сизларга бундан хам зиёд гамхўрлик килинади».

1865 йил 1 июлдан бошлаб кучга кирган мазкур ахдномадаги шартлардан кўриниб турибдики, биринчи навбатда, ислом динини каттик ушлашга, шариат коидаларига сўзсиз риоя килинишга ва мактаблар фаолиятини сусайтирмасликка алохида ахамият берилган. Шунингдек, халкнинг мол-мулки ва дини дахлсизлигини саклаш мухим ўрин эгаллаган. Умуман айтганда, ахдномада миллий анъаналар ва урф-одатлар химоя этилиб, махаллий турмуш тарзининг софлиги мухофаза килинганлиги диккатга сазовордир. Фикримча, генерал Черняев ахдномани тузишда шахар катталарининг талабларига ён босган. У

кандай бўлмасин урушни тўхтатишни ва галабани кўлдан бой бермасликни кўпрок уйлаб иш юритган. Шунинг учун хам у шахарни бир йил давомида соликлардан озод этган. Бундан ташкари, у бир канча чораларни хам кўрди. Чунончи, у ахдномага имзо чекилгандан кейин Хакимхўжа козикалонга, Абулкосимхўжага, Мухаммад Солих додхохга, тўрт даханинг оксоколларига зар ёкали чакмонлар кийгизди. 1865 йил 12 июлда, жума намозидан кейин генерал Черняев «Хакимхўжа козикалоннинг уйига бориб, унга сон-саноксиз хадялар бериб хурсанд килди. Сўнгра Регистон растасига бориб, одамларга ва гадойларга тангалар сочди, мажрухларга ва жарохатланганларга тиббий ердам берди». Шундан кейин генерал Черняев ўз аскарлари билан Хожа Аламбардордан кўчиб Чихил духтаронга (хозирги Шимолий вокзал атрофига) ўрнашди.

Икки кундан кейин генерал Черняев халк кўлидаги куролларни топширишни буюрди. У Эшонкули додхох мадрасасига кириб муллаваччаларга ўкишни давом эттиришларини буюрди. Сўнгра амири лашкар Мулла Олимкул кабрини зиёрат килди. Черняев Кўкалдош, Бекларбеги ва бошка мадрасаларни хам айланиб чикди. У урушда шикастланган ёки ўт тушган масжидларни, ховлилар ва дўконларни тузатиш учун Хакимхужа козикалонга кумуш тангалар берди. Аммо бу киши тангаларнинг бир кисмини бир неча одамларга бериб, кўпини ўзига олиб колган. Буни кўрган Черняев яна маблаг ажратган ва сарфлашни бошка ишончли кишиларга топширган. Маълумки, Тошкентда ва ўлканинг бошка шахарларида урушларда асирликка олинган ёки кўчманчилар томонидан олиб келинган бегона миллат вакиллари кул сифатида ишлатилган. Генерал Черняев шу хилдаги кишиларни озод килиш хакида фармон берди. Бу масалани хал этиш учун шахарнинг катталари кенгаш ўтказишиб, сарфланган пулни кайтариш шарти билан кулларни озод килишга рози эканликларини айтдилар. Аммо Саъидазимбой сўз олиб, савдогарлар ва шахсан ўзи кулларни озод этиш тарафдори эканлигини изхор килди. Шундан кейин кенгаш катнашчилари Саъидазимбойни бир бурчакка олиб, дейишибди: «Бу вилоятнинг харобалиги каммидики, сен уни яна вайрона бўлишига сабаб бўлсанг. Биласанки, Тошкент барча шахарларнинг устуни ва шон-шухрати эди, лекин унинг хозирги холга тушишига сен сабаб бўлдинг. Бунинг учун халкнинг лаънати, хакорати ва таънаси киёматгача сенинг ва авлодларинг бўйнида колади».

Кенгаш катнашчилари кўнгиллари хира ва ранжиган холда таркаган. Кулларни озод килишда биринчи бўлиб отилиб чиккан Саъидазимбойнинг генерал Черняев номига ёзган хатида шундай дейилган: «Мен кўп йиллар мобайнида савдо билан Россияга катнаб, ок подшох мархаматининг гувохи бўлиб билдимки, менга ўхшаган Россия фукаролари ўз кўлларидаги кулларни озод килганлар. Хозир мен хам биринчидан худо йўлига, иккинчидан ок подшохга итоаткорликни намойиш килиш ва сизга хурматимни изхор этиш учун ўз кулларимни (5 кишини) озод килдим». Шунингдек, Саъидазимбойнинг таъсири ва ташвикоти остида унинг кариндошлари Оллохнурбой Мухаммадбеков, Мир Солихбой Бахтибоев, Бекназар Улугбеков, Эшонбек Содикбеков ва бошка кишилар хам кулларини озодликка чикарганлар. Бу йўлдан бошка савдогарлар хам борганлар. Генерал Черняев яхудийларни ажратиш учун жорий этилган махсус бош кийимини кийиш ва белини ип билан боглаб юриш тартибини хам йўк килди. Рус харбий маъмурияти Саъидазимбой Мухаммадиевнинг хоинлик хизматини инобатга олиб, мукофотга тавсия этди. Шахар бўйича 40га якин куллар озод килинди.

Генерал Черняевнинг Тошкент ахлига кўрсатган мехрибонлиги, гамхўрлиги ва инсонпарварлиги кўзбўямачилик хамда найрангбозликдан иборат эди, холос. У бу ишларни шахарда ўз мавкеини мустахкамлаш ва халкни чалгитиш учун килган эди. Аслида Черняев ўта шафкатсиз, золим ва миллатчи киши эди. У айтар эдики, ўзбекларни ва бошка махаллий халкни «тўн кийиб юрганликларининг ўзи учун хам уриш керак». У ўзининг бу шиорига амал килиб босиб олинган жойларни, жумладан Тошкентни конга белади ва вайронага айлантирди. Гарчанд Черняев Тошкентни ўз хукуматининг ижозатисиз эгаллаган бўлса-да, лекин бу иш мамнуният билан карши олинди. Шахсан император Александр генерал Черняевни бриллиантлар кадалган килич билан мукофотлади. Тошкент урушида ўзини кўрсатган майор Вулферт, юзбоши Иванов ва бошкалар хам мукофотга тавсия этилди.

Тошкентнинг босиб олиниши жахонда, айникса, Англия ва Туркияда норозилик хамда шов-шув кўтарилишига олиб келди. Матбуотда Рус давлатининг пировардида Хиндистонга бостириб кириши мумкинлиги хакида турли хабарлар босилди. Натижада бу хол рус хукумати ташки сиесатини анча мураккаблашишга олиб келиши эхтимолдан холи эмас эди. Шу сабабли хам генерал Черняев ўйламай килиб куйган калтис ишини оклаш ва жахон шов-шувини юмшатиш максадида гўё Тошкент ихтиерий равишда рус кўшинларига бўйсунганлиги борасида хужжат уюштиришга киришди. У шахар катталарини тўплаб ахоли номидан куйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюрди: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистон заминида Фаргона хонлари хукмронлик килиб фукароларга кўп жабр-зулм ўтказган... Улар закот, хирожни шариат асосида олмасдан ортикча олганлар ва хеч качон мархамат килмаганлар, кадимги урф-одат таомилидан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб, фитначи ва игвогарлар сўзига амал килганлар. Ўртада нохак конлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал килишдан бош тортдилар. Фаргона ва Туркистон заминида кўп вактлар ва кўпинча кипчок, киргиз ва козок бебошлари хукмронлик килиб келдилар. Шунинг учун фукаро ва мамлакат тинчлиги учун ихтиёримиз ва рагбатимиз билан рус сардорлари ва аскарларини олиб келиб уларга шахарни топширдик».

Кўриниб турибдики, тошкентликлар бўлиб ўтган барча жанглар ва талофатларни инкор этиб, ихтибрий равишда рус аскарларига бўйсунганликларини тан олишлари лозим эди. Мазкур хатнинг мазмуни биддирилгандан кейин шахар катталари хайрон бўлиб турган пайтда Мухаммад Солих додхох шундай жавоб берган: «Бизлар вокеа ва ходисаларни беркитмасдан маълум киламизки, Тошкентдан Окмасжидгача ва бу ердан Гулжагача бўлган шахар ва калъалар Тошкентга карар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан кўлга киритдилар. Уруш кўпинча кечаси ва тўсатдан олиб борилди. Тошкент шахри зулхижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-сигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, озик-овкатсиз колдирилди. Мулла Олимкул шахид бўлгандан кейин сардорсиз колди. Бухоро, Хоразм ва фаргоналиклар ердам бермадилар. Тошкент фукароси дини, миллати ва Ватани учун каттик туриб, уруш ва талашни давом эттириб, сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин сахарга якин рус аскарлари Хиёбон дарвозаси ва калъанинг девори устидан фукаро уйкудалиги чогда шахарга кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунигача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дуконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч, ташна, сувсиз холда якка-ма-якка уруш бўлиб, охирида яраш сулхи тузилди».

Хакикий ахволни акс эттирувчи бундай жавоб генерал Черняевнинг газабини кўзгатди. У Мухаммад Солих додхохнинг сўзига кўшилувчи кишиларнинг бир тарафга ўтишларини буюрди. Шундан кейин шахар катталаридан олти киши, жумладан Халимбой Мирза, Бердибой саркор, Мулла Мирза Охун, Мулла Музаффар хўжа, Мулла Азим Файзбойвачча, Мулла Куш исмли кишилар Мухаммад Солих додхохни кувватлаб кўрсатилган томонга ўтдилар. Бу кишилар ва Мухаммад Солих додхох дархол рус аскарлари томонидан ураб олиниб, камокка жўнатилган. Бу хол йигиндаги шахар катталарига таъсир этган бўлса керак, улар генерал Черняев тавсия этган ахдномани тузишни Абусаттор Корабош ўглига топширдилар. Бу киши «Черняев тавсия этган сўзларни бошидан охиригача кўчириб бўлгандан кейин шахарнинг нодон, аклсиз катталари ва савдогарлари мухрларини босиб, имзоларини чекиб, унга топширдилар. Черняев ахдномани олгандан кейин савдогарлар Абдусаъид ва Ходихўжага бериб Петербургга олиб бориб топширишни буюрди». Бу ердан улар ахднома нусхаларини Истанбулга ва сўнгра Маккага олиб боришлари лозим эди. Шу равишда генерал Черняев ўз хукуматининг кўрсатмасига биноан гўё Тошкентнинг ихтиёрий равишда Рус давлатига бўйсунганлигини намойиш этиб, ўзининг боскинчилик ва талончилик урушларини никобламокчи булди.

Туркиядаги рус элчихонаси ахднома нусхаларини кўпайтириб Истанбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконларга ва, умуман, кўзга ташланадиган жойларга ёпиштириб кўйган. Бу вактда Султон Саъидхон ва Мулла Олимкул вактида юборилган Ёкубхўжа кози ва наманганлик Мирзажон деган кишилардан иборат элчилар Истанбулда экан. Улар Тошкентда каттик жанглар кетаётгани ва ёрдам бериш хакидаги мактубни Туркия султони Абдулазизга топширганлар. Бу султон юкорида кайд этилган калбаки ахдномага ишониб, Ёкубхужа козини ва Мирзажон афандини ўз хузурига чакириб «Сизлар вокеани бошкачарок таърифлаган экансизлар», — деб ўзининг шубхаланаётганини биддирган. Шунда Тошкент элчилари хайрон бўлишиб, нима дейишларини билмаи, тилларини тишлаб колган экан.

Бинобарин, рус хукумати ўзининг жирканч ва кабих ишларини никоблашда хар кандай каллобликдан тоймаган. Энди рус хукуматининг боскинчилигига ва конунсиз харакатларига карши кўкрагини калкон килиб турган Мухаммад Солих додхох тўгрисидаги айрим маълумотларга диккатни жалб этайлик. У зот олим ва машхур мударрис бўлиши билан бирга, ватан учун жонини тиккан ва Тошкентдаги жангларга бошчилик килган улуг шахслардан биридир. Якинда менга унинг авлодларидан бири мухтарам Нуруллабек Мухаммад Солих додхохга тегишли архив маълумотларини берди. Уларда кўрсатилишича, Мухаммад Солих додхох халк озодлиги ва эркинлиги учун курашган киши сифатида жуда кадрланган. Шунинг учун хам 1867 йили бир гурух нуфузли кишилар халк номидан Мухаммад Солих додхохни сургундан озод этишни сўраб рус императорига хат йўллайдилар. «Мухаммад Солих додхох, — дейилади хатда, — Тошкентнинг босиб олинишига ва шахарни камал килган рус аскарларига каршилик кўрсатгани учун бадарга килинган эди. У бизларнинг фарзандларимизни ва оилаларимизни мухофаза килиш учун курашган». Яна хатда унинг мадрасада таълим-тарбия бергани ва ёшларнинг устози сифатида кадрланиши хам таъкидланган.

1867 йил 24 мартда мазкур хат бўйича генерал-губернатор ва Оренбург харбий

округининг бошлиги Крижановскийнинг харбий вазирга ёзган рапортида шундай дейилган: «Мухаммад Солих додхох генерал Черняевнинг сўзига кўра, нотик, софдил, ўта эътикодли киши хисобланиб, рус аскарлари Тошкентга хужум килган вактда халкни жангларга отлантирган ва бунинг учун ўзининг бойлигини сарфлаган. Умуман олганда, у нихоятда катта обрўга эгадир». Крижановский Мухаммад Солих додхох озод этиш хакидаги илтимоснинг кондирилишини харбий вазирдан сўраган.
1867 йил 16 декабрда Туркистон генерал-губернатори Кауфманнинг харбий вазирга юборган рапортида эса, Мухаммад Солих додхох «энг обрўли ва бой» киши сифатида изохланиб, генерал Черняев томонидан 7 хамрохи билан Томск губерниясига жўнатилганлиги маълум килинган. Улардан икки киши вафот этганлиги ва хозирда 5 киши, хусусан Мухаммад Солих додхох, Мулла Мирза Аъзам охун, Мулла Музаффархўжа, Халим-бой Мирза ва Мулла Азим Файзбойваччаларнинг тириклиги айтилган.

Генерал-губернатор уларни ўз ватанларига кайтаришни сўраган. Рус императорининг рухсати билан ички ишлар вазирлиги Мухаммад Солих додхох ва хамрохларини озод этиш хакида Гарбий Сибир генерал-губернатори Хрушчевга курсатма берган. Бу кишининг 1869 йил 10 январда ёзган рапортига кура, 1865 йили Томск губерниясига сургун килинган 9 ўзбекдан 3 таси Томскда вафот этган, 2 таси ўша вактларда (кафилга — Х. З.) бўшатилган. Тирик колган 4 киши эса 1868 йил 18 июнда ўз ватанларига кайтишлари учун Семипалатинскка жўнатилган. Демак, сургундаги ватанпарварларни озод килиш масаласини хал этиш жараёнида даставвал икки киши ўлганлиги хакида маълумот берилган бўлса, уларнинг сони уч кишига етган. Афсуски, архив хужжатларида ўлганларнинг исми шарифи кўрсатилмаган. Менингча, учинчи шахс Мухаммад Солих додхох бўлса керак. Чунки унинг хозирги авлодларининг хотирасида унинг Томскда ўлганлиги хакидаги фикр сакланмокда. Юкорида кайд этилган Нуруллабекнинг сўзига караганда, шахарда соткинлик килган кишилар Мухаммад Солих додхохнинг ватанига кайтишига тиш-тирноклари билан карши турганлар. Хатто улар ўз одамини Томскка юборишиб, Мухаммад Солих додхох захарлаб ўлдирганлари хакидаги маълумот хам ўша вактда Тошкентга етиб келган экан. Шунингдек, унинг ўгли Томскка кетаётган-да йўлда Чуй дареси атрофида оркасидан махсус юборилган котил томонидан ўлдирилган.

Уйлайманки, кейинги изланишлар ўз ватани учун жонини хам, молини хам аямаган Мухаммад Солих додхохнинг фаолияти ва такдирини тўларок ёритиш имконини беради. Даставвал, Рус давлати тобелигида мустакил Тошкент хонлигини тузиш бўйича хукумат вакиллари ўртасида фикр алмашилди ва кувватланди. Лекин бошда шундай фикр тарафдори бўлган Черняев Тошкентни босиб олгандан кейин айниб, Тошкентни ва Намангангача бўлган ерларни Рус давлати таркибига киритиш масаласини кўтаради. Унинг сўзича, у илгари Тошкентда харбий кисмни таъминлашнинг иложи йук деб ўйлаган экан. Бирок у шахар эгаллангандан кейин соликлар ва бож хисобига маблаг тўпланишига ишонч хосил килганмиш.
Бундан ташкари, шахарда Саъидазимбой, Мухаммад Мирсоатбой ва бошка соткинлардан иборат бир гурух бойлар зўр бериб Тошкентнинг Россия империяси таркибига киритилиши тарафдорлари сифатида Черняевни рухлантириб турдилар. Бу билан улар узларининг шахсий манфаатлари ва мавкеини саклашни максад килиб кўйгандилар,

холос. Борди-ю, «мустакил» Тошкент хонлиги ташкил топса, у вактда улар килмишларига яраша четга сурилиши ва манфаатларига путур етказилиши турган гап эди. Шу боис улар генерал Черняевнинг орка этагини махкам ушлагандилар. Оренбург генерал-губернатори Крижановский эса харбий вазир номига йуллаган хатида «мустакил» Тошкент хонлигини тузиш хамда Россия чегарасини Чимкент, Авлиеота, Марки, Тўкмок ва Норингача чўзилган ерлар билан белгилашини таклиф этди. Бу жойлар билан Сирдаре оралигидаги ерлар эса, Тошкент хонлиги таркибига киритишини кўрсатилди. Бу хонликни назорат остида тутиб туриш учун Ниёзбек, Чиноз ва шахар багридаги бирор жойда рус харбий истехкоми булиши лозим эди. Бу ишлар тошкентликларнинг илтимосига биноан амалга оширилишй максадга мувофиклиги кайд этилди.

Крижановский Бухоро амирининг Тошкешта тажовузининг олдини олишга каратилган фикрини хам маълум килди. Бунга кўра, агар амир бу ишга кўл урса, у вактда Бухоронинг рус аскарлари томонидан босиб олиниши ва катта хажмда товон солиниши лозим эди.
«Мустакил» Тошкент хонлигини тузиш хусусида бир-бирларша зид фикрлар юритилган бўлса-да, лекин уларнинг мохияти ва йўналиши кандай бўлмасин Рус давлатининг мавкеини мустахкамлашдан иборат эди, холос.

Тошкент босиб олингандан кейин генерал Черняевнинг Оренбург генерал-губернатори Крижановский билан муносабати кескинлашиб борди. Бунга кўпрок Черняевнинг унга ва, умуман, хукумат вакилларига нисбатан ўзбошимчалиги сабаб бўлди. Хатто Петербургда Черняевнинг душманлари Тошкент шахри хали олинмаганлиги хакида гаплар таркатишган. Шу боис Черняев ўзининг якин кишиси полковник Полторацкийга юборган хатида куйидагиларни езган: «Тошкент нафакат эгалланган, ва мутлако тинчлантирилган, балки Россияга шу даражада богланганки, энди уни ажратиб бўлмайди. Шахар ахолиси ўзининг бугунги ахволига рози бўлиб, на Бухоро ва на Кўкон тарафига ўтишни истайди. Улар жонларига теккан ўзаро урушларнинг яна бошланишини англаб, мустакиллик берилишига хурсанд бўлмасликлари турган гап. Айникса, юкори табака вакиллари рози бўлмайдилар».

Черняев ўз хатида ўзбошимчалигини оклашга уриниб, Тошкентда ва бошка жойларда Россия хукмронлигини ўрнатишда жонбозлик кўрсатганлиги, лекин шунга карамай унинг кадр-киммати ўрнига кўйилмаётганлигидан нолиган. У ўзининг бошликларига берган маълумотларида Кўкон харбий кучларини хамма вакт онгли равишда камайтириб ёзганлигини тан олган. Масалан, Чимкентдаги жангларда ватан химоячиларининг сони 15-18 минг киши деб кўрсатилган. Аслида улар 40 минг кишидан ташкил топганлиги кайд этилган. Шунга ухшаш бошка жанглардаги Кўкон аскарларининг сони хам озайтирилган холда маълум килинган. Умуман олганда, Черняев ва бошка рус харбий бошликлари кўп холларда ватан химоячиларининг каршилигини камситиб кўрсатишга уринганлар.

1865 йилнинг сентябрида генерал Крижановский Тошкешта келиб шахар ва атроф жойларда бўлиб ахвол билан танишди. Айни бир пайтда кўшинни рухлантириш максадида куйидаги мурожаатни харбий кисмлар диккатига хавола этди: «Мен кейинги икки йил мобайнида сизларнинг килган ишларингизни кўриб хурсанд бўлдим. Сизлар

император фармонини сидкидиллик билан бажариб, Жулакдан Вернийгача бўлган 800 чакиримлик масофани найза тиги билан эгаллаб, харбий чизик ташкил этдингиз. Хозирда рус подшохига карам кўчманчилар Кўкон хонлиги зулмидан озод холда хает кечирмокдалар, сизлар уларга таянч ва калкон бўлиб турибсизлар.

Сизлар киска вакт ичида бизларга номаълум бўлган янги ерлар бўйлаб олга юрдингиз. Бу жойларни 2000 йилдан ортик мукаддам македониялик Александр урушиб олган эди. Ўша вактлардан буён бу бой мамлакат осиёликлар кўлида бўлиб кашшоклангди, чўлу биёбон-га айланди. Рус подшохи Александр Иккинчининг аскарлари зиммасига ўлкага жон киритиш вазифаси тушди. Бизнинг подшохимиз македониялик Александрга ўхшаб боскинчилик урушларини олиб "боришни хохламайди. Бизнинг хукмдоримиз ўзининг жасоратли кўшинининг найзалари билан маърифат учун кенг йўл очишни истайди.

Осиёликлар 2000 йилдан кейин македониялик Александр ва унинг галабаларини унугганлар, лекин эзилган халкларни талон-торож ва вахшиёна равишда кириш учун эмас, балки зулмдан озод этиб, тинчликни, баркарорликни ва фаровон турмушни таъминлаш учун уз кушинини юборган рус подшохини хеч качон унутмайдилар.

Сизларнинг максадингиз олий ва хавас киладиган ишдир. Мен катта хурсандлик билан ишонч хосил килдимки, сизлар бундай максадга тулик лойикдирсизлар. Сизлар факатгина найза билан харакат этмасдан, бу ерда узларингизга уйлар курдингиз, экинлар экдингиз хамда ўз хўжаликларингизни туздингиз. Йигитлар шу тарзда ишни давом килдириб, осиёликларга худонинг нозу неъматларидан кандай фойдаланишни намуна сифатида намойиш этинглар».

Бинобарин, онги улугмиллатчилик рухи билан сугорилган Крижановский гўё Рус давлати озодлик, эркинлик ва тараккиёт таргиботчиси сифатида Туркистонга келганлигига ишонтиришга уринган. Унинг фикрича, туб ахоли шу даражада «ёввойилашиб» кетганки, хатто табиат нозу неъматларидан фойдаланишни ва, умуман, маданиятни руслардан ўрганиш лозим экан. Бундай бемаъни гаплар хеч кандай колипга сигмай, факат конли урушларни ва киргин-баротларни никоблаш учун айтилган сохта бир харакатдан бўлак хеч нарса эмас, албатта.
Генерал Крижановскийнинг улугмиллатчилик мафкурасини куйидаги сўзлари хам яккол исботлайди: «Мен, — деб езади у, — Бухоро амирининг элчисига шуни маълум килдимки, бундан буён Урта Осиёнинг хукмдорлари билан факат рус тилида сўзлашаман. Агар амирликда рус тилини яхши биладиган киши йўк бўл-са, у вактда уни топиб бераман. Менингча, заиф кўшниларимизнинг тилига, урф-одатлари ва тартибларига риоя этган холда муомала килишни тўхтатиш керак. Хозирча уларни бизнинг одатларимизга аста-секин мослаштириш ва тилимизда гапиришга мажбур этишнинг вакти келди. Бизлар Ўрта Осиёда якка хукмронлик килиб бу ерга ўз кўлимиз билан маданият киритишимиз ва инсон зотининг энг эзилган, бахтсиз кишиларининг хаётини яхшилашимиз даркор».

Демак, Крижановский Туркистон ахолисини руслаштириш гоясини кўтарган эди. У Тошкентдан Оренбургга кайтгач, ўз таассуротлари ва таклифларини вице-канцлер Горчаковга маълум килди. Бунда у ўзбеклар бутун ўлкада хокимият тепасида туриб барча хонлар, амирлар, вазирлар ва лашкарбошилар улардан тайинлангани кайд

этилган. Шу боис Рус давлати Урта Осиёда уларга карши курашиши лозимлиги укдириб ўтилган. Крижановский Тошкент шахри бутун минтакада мухим савдо маркази хисобланиб, 80-100 минг ахолига, 13 карвонсаройга эгалигини кўрсатиб, хорижий мамлакатлар билан савдо олиб бораётганлигини ёзган. Яна, Тошкент «Россия моллари учун нихоятда катта ахамиятга» эгалиги маълум килинган.

Крижановский Тошкентга кандай муносабатда бўлиш масаласига тўхталиб ёзади: «Агар Тошкентни мустакил шахар сифатида эълон килинса ва кўшинимиз чикарилса, у вактда ўзбеклар бош кўтариб Бухоро амири тарафдорларини ўз атрофига уюштиради. Амирнинг кириб келиши билан улдириш ва талон-торожлар бошланиб кетади. Шу муносабат билан биз кўшинни келтириб яна уруш килишга мажбур бўламиз». Шунинг учун у Тошкент атрофидаги айрим жойларда рус харбий кучларини саклаш зарур, деб хисоблайди. Шу шарт билан Тошкентга мустакиллик беришни таклиф этади. Бу фикрни Крижановскии Тошкентда шахар катталарига маълум килганда, улар «Россия тобелигида колиш афзаллигини изхор этганлар». Бу сўзлар халкка эмас, балки Россияга сотилган бир гурух кишиларга тегишлидир. Бу ишда Саъидазимбой, Мухаммад Соатбой ва уларнинг хамтовоклари ташаббускорлик килганлар.

Генерал Черняев шахарни эгаллагач, хукмронлигини мустахкамлашга интилиб, харбий калъа ва кўшин учун турар-жойлар куришга каттик киришади. Чунончи, у 1865 йилнинг 28 сентябрида Крижановскийга юборган ахборотида шундай езган: «Ишчи кучлари етишмаслиги ва маблагнинг жуда озлигига карамай, икки ярим ой мобайнида жуда катта ишлар амалга оширилиши лозим эди. Аммо мен бу — барча сон-саноксиз кийинчиликларни узлуксиз харбий юришлардан чарчаган ва толиккан кўшинга таяниб бартараф этишга эришдим. Кўшин ўз зиммасига юклатилган вазифани одатдан ташкари хохиш-ирода билан бажариб, кутилганидан хам зиеда ўринлатди. Хозирда курилиш ишлари нихоясига етай деб колди. Калъани куришда ер ишларида бир кеча-кундузга 30 тийин хак тўлаш шарти билан ўзбеклар ишлатилди. Ўзбек усталари хам ишга жалб килинди. Хозирда Тошкентда харбий калъада 6 пиёда аскарлар ротасига 150 киши сигадиган касалхона ва ярог-аслаха омбори учун бино битказилди. Собик Кўкон калъасида эса харбий штаб ва харбий губернатор жойлаштирилди».

Шундай килиб кўрдикки, бир томондан Тошкент хонлигини ташкил этиш хакида фикрлар изхор килинган бўлса, иккинчи томондан эса, шахарда харбий истехком куришга ва кўшинни жойлаштиришга каратилган чоралар зудлик билан амалга оширилиб борилган. Тошкентни Россия таркибига киритиш тарафдори Черняев ўз бошлиги Крижановский Тошкентда бўлганида «Мустакил Тошкент хонлигини» ташкил этиш хакидаги кўрсатмасига очикдан-очик каршилик кўрсатди. У Крижановскийнинг куйидаги мурожаатини эълон килишдан бош тортди: «Тошкент халки! Сизга маълумки, Кўкон кўшини ва фукаролари Россия тобелигидаги козокларга кўп йиллардан буён хужум килиб, карвонларни таладилар, одамларга савдо ва дехончилик билан осойишта шугулланишга йўл кўймадилар. Менинг хукмдорим Кўкон талончилигини тўхтатишни буюрди ва жасоратли рус кўшини хукмдорнинг хохишини бажарди. Рус куроли олдида бирин-кетин Туркистон, Авлиёота, Чимкент, Ниезбек, Чиноз ва Тошкент истехкомлари тиз чўкди. Шунга ўхшаш бизнинг душманларимизнинг каршилиги давом этаверса, бошка калъалар ва шахарлар хам бўйсундирилади.

Аммо рус подшохи бу жойларнинг камбагалларини хонавайронликдан ва вахший Кўкон хокимиятидан кут-казиб, янги урушлар килмокчи ва янги ерларни эгал-ламокчи эмас. Шу маънода олий хазратлари менга Тош-кент хусусида фармон бердилар. Бу фармонни бажа-риш юзасидан ва Тошкентдаги ўзим кўрган ахволни назарда тутиб куйидагиларни маълум киламан:

— Тошкент шахри Сирдарё киргокларигача чўзилган ерларни ўз ичига олган мустакил давлат хисоблансин. Туркистон вилояти харбий губернатори Черняевга мен томонимдан берилган кўрсатма асосида Тошкент давлатининг бошкарув тартибларини тузиш топширилсин. Биринчи навбатда, сиз эътикод килаетган дин сўзсиз ўз ўрнида колиши лозим. Харбий губернаторнинг фикри мен оркали император олий хазратларига тасдиклаш учун тавсия этилади. Аммо у губернатор лойик топган вактда амалга оширилади. Тошкент ахли, агар сизлар харбий губернаторнинг буйругини осойишталик ва мамнуният билан кабул килсангизлар, у вактда императорнинг мархаматига арзийдиган кишилар хисобланасизлар ва мустакиллик гаштини сурасизлар. Кимки император мархаматини душманлик билан карши олса ва абадул-абад рус куроли химояси остига олинган Тошкент давлатига хужум килса, шўри куриши турган гап. Мен сизларни олижаноб императорнинг мархаматидан фойдаланиб мустахкам бахтга ва доимий тинч хабтга эришишларингизни худодан илтижо этаман».

Мазкур сатрларда хам Рус давлати гўё озодлик, тараккиет ва бахт-саодат яратувчи сифатида талкин килиниб, кўкларга кўтарилган хамда Россияга хамиша содик бўлишга даъват этилган. Аслида эса, Тошкентга мустакил давлат макомини беришдан максад, вактинча бўлса-да, минтакадаги огир сиесий тангликни юмшатиш эди. Айникса, рус хукуматини Бухоро, Кўкон ва Тошкентда Россияга карши кучларнинг бирлашиб кетиш хавфи ташвишлантирди. Аммо учига чиккан ўз-бошимча Черняев рус хукуматининг кўрсатмаларига риоя килмай, Крижановский мурожаатини расмий суратда Тошкент ахлига билдирмай, беркитди. Шу билан бирга, ўзининг ёзган ахборотларида «мустакил» Тошкент хонлигини тузишга хали шароит етилмаганлигини, Бухоро ва Кўкон хонликлари Россия олдида тиз чуктирилгандагина масалани хал этиш мумкинлигини билдирди. Унинг фикрича, «Мустакил Тошкент хонлиги»нинг ташкил килиниши минтакада- ўзаро уруш ва тўполонларни юзага келтиради. У «тошкентликларда ватанпарварлик йўк, улар осойишталикка ва савдодан олинадиган фойдага эга бўлса, бас» деган ибораларни ёзиб, ўзбеклар мустакилликнинг кадр-кимматини билмайдилар, дейишгача борди. Бу кўзбўямачилик эди, албатта. Амалда эса генерал Черняев Тошкентга мустакиллик берилса, Рус давлати ўз мавкеини заифлаштириш билан бир каторда катта даромаддан хам махрум бўлиб колишини назарда тутган эди. Унинг хисоб-китобига караганда, 1866 йили Тошкент ва атроф-жойлардан 400 минг сўм даромад олиниши керак эди. Масалан, 40 минг ботмон галла ва гуруч, бозордан ва тарози хаки сифатида олинадиган 304 минг сўм, Чирчик ортидан 12 минг сўм, 15 минг сўм хонадон солиги ва бошка йигинлар шулар жумласидандир.

Хуллас, генерал Черняев, кандай бўлмасин, Тошкентнинг бевосита Россия кўл остида бўлишини талаб килди. Унинг ўжарлиги олий хукумат вакилларининг хам норозилигига сабаб бўлиши турган гап эди. Уни хатто вазифасидан четлатиш масаласи кўтарилади. Аммо у, чорасини килиб, Тошкентда ўз лавозимида колиш учун кўлидан келганча харакат

килади. У бунга эришмок ниятида шахардаги бир гурух соткин юкори табака вакиллари номидан ўзини улугловчи куйидаги мазмундаги хатлар уюштиради: «Мана, беш ойдирки, сиз (генерал Черняев) улуг ок подшохнинг кўрсатмасига биноан бизни шундай бошкараяпсизки, бунакаси хеч ким томонидан килинмаган. Сиз боскинчи эмассиз, балки бизларни золимлардан халос этган кишисиз. Сиз киска вактда ўзингизнинг оталарча бошкаришингиз билан Россия подшохи тобелигида яшаш бахт эканлигини кўрсатдингиз. Мазкур сўзлар хушомадгуйлик эмас, балки чин хакикат бўлиб, у сизнинг мохир рахбарлигингизда рохатда яшабтган 100 минглик тошкентликлар вакилларининг дил сўзларидир. Сиз жуда киска вакт ичида маслахатингиз еки моддий ёрдамингиз хамда узлуксиз гамхўрлигингиз билан турмушимизни анча яхшилашга эришдингиз. Сиз хамма вакт диккат ва сабр-каноат билан бизни эшитишингиз туфайли хамиша мамнун бўлганмиз. Сизнинг доно рахбарлигингизни, тошкентликларнинг юракдан чикадиган мухаббатини когозда баен этишга калам ожизлик килади. Хўш, биз ўзимизнинг чинакам хурматимиз ва мухаббатимизни нима билан изхор эта оламиз. Чунки сизнинг хизматларингиз хар кандай совгадан баланд-дир. Аммо шунга карамай оталар фарзандларидан совга олганидек, тугилган кунингиз муносабати билан миннатдор Тошкентдан совга сифатида килич олишингизни сўраймиз. Бу килич Россия ва шахсан ўзингизнинг душманларингизга карши курол бўлсин. Албатта, бу совга унчалик кимматли эмас. Аммо унинг киммати ва ахамияти 100 минглаб тошкентликларнинг сизни чин кўнгилдан севишида хамда сизга узок умр ва сихат-саломатликни худодан тилашларидадир».

Генерал Черняев бундай хатларни уюштириш ва бошка йўллар билан Тошкентда колишга канчалик харакат килмасин, барибир, 1865 йил ноябр ойининг охирларида император кўрсатмасига биноан вазифасидан озод этилди. Маълум вактда у Оренбургга борди. Бундан олдин эса у шундай деган: «Ўлкадан кетиш мен учун катта гам-гуссадир, лекин номимнинг халк хотирасида узок сакланиши мени анча юпатади. Ўйлайманки, Россияда хам менга тош отмайдилар». Генерал Черняев ўзини махаллий халк орасида гўё яхши ном колдирган деб ўйлаган. Вахоланки, амалда у кўллари конга беланган шахс сифатида хануз унутилган эмас.

Хамид Зиёев